

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

●Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ●2023-yil 10-mart, №10 (3021)



BIZ
HAQIMIZDA

IJTIMOIY-SIYOSIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI

@vatanparvar-bt@umail.uz

facebook.com/mudofaavazirligi

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi
youtube.com/c/uzarmiya

ZUKKOLAR
BELLASHUVI
80

www.mv-vatanparvar.uz



AYOL BORKI, OLAM' MUNAVVAR



5

E'TIROF

Ayol gar istasa, har ishga qodir,
Garchi olovlardan o'tsin yo'llari.
Ming bir sinovlarga bardoshi bordir,
Dunyoni tebratar nozik qo'llari.

U sizga yelkadosh, hamrohdir azal,
Qalbingizda bo'lmoq istaydi abas.
Uning yo'llariga sochmang siym-u zar,
Otash mehringizni to'shasangiz bas.

Ayol gar istasa, har ishga qodir,
Unga g'ov bo'lolmas tog'lar, to'fonlar.
Onalik mehriga dunyolar loldir,
Qoshida bosh egar shohlar, sultonlar.

Ayol gar istasa, har ishga qodir,
Qaddini bukmagay cho'ng dovonlarda.
Yurt erki yo'lida qatorda nordir,
Shaxt-la ot suradi keng maydonlarda.
Ayol gar istasa...



Zulfiya YUNUSOVA

“KATTA
18 DUBULG‘A”
2-MARTA
YURTIMIZDA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ **8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТҮГРИСИДА**

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига улкан эҳтиром кўрсатиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг кўп ийлилк самарали меҳнати, бой тажрибаси билан бугунги туб ислоҳотларимизда фаол қатнашиб, Янги Узбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келётганд, оиласарда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳидатарбиялашга катта ҳисса қўшаётган опа-сингилларимизни мунособ тақдирлаш мақсадида қўйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансан:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Арзиева Мархабо Имамназаровна – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг навли прокат цехи металл сараловччиси, Тошкент вилояти

Атабаева Оматхон Каримжановна – Андижон шаҳридаги «Сиёвуш гольд транс» масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси, Андижон вилояти

Ахмедова Зулфия Рахмоновна – «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси темирчилик-преслаш цехи машинисти, Навоий вилояти

Ахмедшина Фания Авзаловна – Жиззах давлат педагогика университетининг умумий тарих кафедраси профессори, Жиззах вилояти

Бегматова Азза – Ўзбекистон давлат драма театри етакчи саҳна устаси

Қобилова Мавлуда Умрзоқовна – Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг бўлим етакчи муҳандис-технологи, Қашқадарё вилояти

Мазаҳидова Надира Ташпулатовна – Қўйон шаҳридаги «Қўйон ёр-ёри» ашула ва рақс фольклор-этнографик ансамбли мусиқа раҳбари, Фарғона вилояти

Маматкулова Айсара Бердикуловна – Сардоба туманинаги «Нурафшон дала сари» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Матякулова Мехрибан Кадамовна – «Хунарманд» ўюшмасининг Хива шаҳар бўлимни аъзоси, каштаки, Хоразм вилояти

Нармурадова Махбуба Акрамовна – Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг фаррошлар бригадаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ражабова Марҳабо Мухаммадиевна – Қоракўл туманинаги «Хосиятли Қоракўл нури» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

Расурова Муқаддам Мансуржоновна – Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Аёлларни реабилитация килиш ва мослаштириш республика маркази директори

Сайдмуродова Максуда – Мингбулоқ тумани маҳалла ва нуронийларни кўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг маслаҳатчisi, Наманган вилояти

Хайтова Айжомал Назировна – Олтинсой туманинаги «Туяқуш тиллолари» оиласи корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Хожаметова Замира Жумабаевна – Қўнғирот туманинаги «Kungrad agro-solodko system» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

«Дўстлик» ордени билан

Айтбагамбетова Айбатша Бекбердионва – Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» маданият маркази хореографи, Сирдарё вилояти

Алимова Арзикан Абдиллаевна – «Хунарманд» ўюшмасининг Жиззах вилояти бошқармаси аъзоси, қуроқчи

Аталикова Евгения Владимировна – Қувасой шаҳридаги «Қувасойцемент» акциядорлик жамиятининг хомашёни қайта ишлаш участкаси кран машинисти, Фарғона вилояти

Байрамова Наталья Шамуратовна – Тупроқалъа туманинаги «Матёқуб Қодир» чорвачилик фермер хўжалиги технологи, Хоразм вилояти

Васильева Татьяна Александровна – «Ўзаронавигация маркази» давлат унитар корхонасининг Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш автоматлаштирилган тизими Тошкент маркази худудий бўлинмаси диспетчери

Джуракулова Саодат Эшқобиловна – Бойсун тумани ҳокимининг ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Исмаилова Гавхар Абдуманановна – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи мисни электролизлаш цехи кран машинисти, Тошкент вилояти

Каипова Гулистан Сарсенбаевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали жонлантириш бўлими шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

Каюмова Махфузабаба Абдинабиевна – Пахтаки туманинаги «Пахтаки агро ҳамкор томорқа хизмати» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

Лян Екатерина – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг иссиқхонада сабзавот, полиз экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси мудири

Насридинова Шоҳида Тауғиковна – Мирзо Улуғбек туманинаги «Milk Foods Trade» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Нестерович Людмила Петровна – Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

Рискулова Айногул Жунусовна – Марҳамат туманинаги «Марҳамат 112-қурилиш» масъулияти чекланган жамияти пардозчisi, Андижон вилояти

Салимова Манзура Алимовна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси

Сариеva Нурбили Баймахановна – Конимех туманинаги «Қоракўл Учтепа сур» масъулияти чекланган жамияти чўпони, Навоий вилояти

Халбаева Дилрабо Джурабековна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси

Чўлиева Зийнат Бобоевна – «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Бухоро филиали аҳборот хавфсизлиги ва маълумотлар узатиш тармоқларини бошқариш бўлими мухандиси, Бухоро вилояти

Эргашева Танзила Низамовна – Наманган шаҳридаги «Art Soft Tex» масъулияти чекланган жамияти тикувчisi, Наманган вилояти

Юлдашева Мавлуда Меликовна – Шахрисабз шаҳридаги «Ипак йўли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Дадабоева Манзурахон – Андижон туманинаги 10-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Андижон вилояти

Зоирова Азиза Ибрагимовна – Қарши давлат университетининг француз тили ва адабиёти кафедраси мудири, Қашқадарё вилояти

Зоҳидова Мамурахон Насиллоевна – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ўқув-методика ва ҳарбий-ватанпарварлик бўлими бошлиғи, ёзувчи

Мирзаева Мехринисо Латиповна – Ниҷдувон туманинаги «Маржона Эъзоза» надавлат мактаб-гача таълим ташкилоти раҳбари, Бухоро вилояти

Эшмаматова Диляром Бахрамовна – Сергели туманинаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Гадоева Дилфузабаба Мустафоевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали оғир кўйиш жароҳатлари бўлими

катта ҳамшираси, Бухоро вилояти

Холмуродова Замира Баҳромовна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали неврология бўлими мудири, Жиззах вилояти

Шавазова Мұҳаббат Исматовна – Республика перинатал марказининг чақалоклар анестезиология ва реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Юлдашева Райхон Сайфидиновна – Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали кўз жарроҳи, Самарқанд вилояти

«Соғлом турмуш» медали билан

Мадалиева Феруза Махамадовна – «Таракқиёт» аҳолининг турмуш тарзини ривожлантиришга қўмаклашиш маркази раҳбари, Фарғона вилояти

Мирзаева Елена Садуллаевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Foreign Languages» телеканали хорижий тиллардаги илмий-мәтирифий ва бадиий дастурлар мухарририяти бош мухаррири

Эрқаева Шоира Баҳрамовна – Қамаши туманинаги «Мироншоҳ ва Иброҳимжон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

«Содик хизматлари учун» медали билан

Алеуова Гулистан Усербаевна – Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчиси

Ахатова Замира Рустамовна – Каттақўрон шаҳар ички ишлар бўлнимининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, Самарқанд вилояти

Расуолова Лола Анваровна – Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасининг «Хўжайли» чегара божхона пости катта инспектори

Рахматова Гулзода Шовруқжоновна – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари ҳарбий хизматчisi

«Келажак бунёдкори» медали билан

Айтмуратова Сарбиназ Елмурат қизи – Нукус шаҳридаги Ёшлар технопаркининг инновацион лойиҳаларни жалб қилиш ва саралашни ташкил этиши бўлими бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Давронова Шарифа Жамшеровна – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Маннопова Фотима Саид қизи – Тошкент шаҳридаги «Techno time academy» робототехника мактаби директори

«Шуҳрат» медали билан

Абдиева Муътабар Арслоновна – Сирдарё туманинаги «Reka-Med Farm» масъулияти чекланган жамиятининг инфузион эритмалар ишлаб чиқариш цехи йиғувчи-қадокловчisi, Сирдарё вилояти

Абдуқадирова Саида Исламовна – «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамиятининг «Тошкент иссиқлик электр станцияси» филиали марказлаштирилган таъмирлаш цехи кран машинисти, Тошкент вилояти

Азимова Гулмира Джакхановна – Самарқанд вилояти транспорт бошқармасининг трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси трамвай ҳайдовчisi

Артикова Дилноза Илхомбаевна – Ўзбекистон давлат филармониясининг Хоразм вилояти бўлинмаси раққосаси

Воҳидова Нилюғар Умаровна – «Хунарманд» ўюшмасининг Чуст тумани бўлими аъзоси, дўлтпидўз, Наманган вилояти



Даулетмуратова Зулхумар Махсетовна – Хўжайли туманидаги 2-оилавий болалар уйи директори, Қорақалпогистон Республикаси

Зиятова Махмуда Маматқуловна – Шароф Рашидов туманидаги «Махмуда Зарина Зарифа» масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

Исмадијрова Диларем Тулкуновна – Ўзбекистон Журналистлар ўюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими мутахассиси, «Оқила аёллар» ҳаракати аъзоси

Касимова Шахзодахон Рамизидиновна – Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг Фан ва инновациялар бошқармаси бош мутахассиси

Касимова Шоира Сатволдиевна – Андикон вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинойиси

Қахорова Ирода Иминжоновна – Уйчи туманидаги «Зиёкор» маҳалла фуқаролар йигини хотин-қизлар фаоли, Намангандар вилояти

Қиличева Ойша Тенглашевна – Нурутадар туманидаги «Мурувват» ногиронлар учун эр-

каклар интернат уйи хўжалик бекаси, Навоий вилояти

Мехмонова Рўзиҳон Абдувалиевна – Балиқчи тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ишчиси, Андикон вилояти

Мустафаева Шахноза Байзаковна – Янгийўл шахридаги «Дугоналар» ногирон аёллар жамияти раиси, Тошкент вилояти

Мухутова Лола Муҳаммадовна – Олот туманидаги «Олот каштадўзлари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Нуржанова Сабоҳат Шомуратовна – «Ичан қалъа» давлат музей-кўриқонаси экскурсоводи, Хоразм вилояти

Самиева Гузал Муҳитдиновна – Сариосиё тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Сулаймонова Гулчехра Тохир қизи – «Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятининг кўприкли кран машинисти

Усмонова Гулнора Хошимжоновна – Бағдод туманидаги «Гулнора Матқулобод бодомлари»

ишлаб чиқариш кооперацияси раҳбари, Фарғона вилояти

Файзуллаева Насиба Нуруллаевна – «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг полипропилен қоп ишлаб чиқариш цехи оператори, Навоий вилояти

Халиярова Хабиба Алексеевна – Ғузор туманидаги «Моҳигул Моҳларойим жилоси» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Ходжиболаева Раъно Одиловна – Фарғона шахридаги «Сурхтепа» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Фарғона вилояти

Шерова Зулфия Махмудовна – Шўрчи туманидаги «Шўрчи Азиз агрофирма» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 6 марта

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзининг иқтидори, изланувчанлиги, муҳим ғоя ва ташаббуслари, ибратли амалий ишлари ва эришган ютуқлари билан юртимиз ёшларига ўрнак бўлиб келаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар жараёнда фаол иштирок этиб, Ватанимиз равнақи йўлида бор куч-ғайрати, замонавий билим ва малакаси, маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоён этаётган қизларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқищадаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, маданият,

спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва омма-

вий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 6 марта

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Ниетбаева Ҳурлиман Аманбай қизи – Қоқақалпок давлат университетининг 3-босқич талабаси

Самандарова Барно Тозабой қизи – Қоқақалпогистон Республикаси Амударё туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Абдукаримова Феруза Улуғбек қизи – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг 4-босқич талабаси (Андикон вилояти)

Мухтархўжаева Дурдана Муталибжон қизи – Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиали 2-босқич талабаси (Андикон вилояти)

Аминова Нигинабону Бахриддиновна – Тошкент молия институтининг 2-босқич магистранти (Бухоро вилояти)

Ғайратова Гулзода Санъат қизи – Бухоро давлат университетининг 4-босқич талабаси

Анварбекова Чарос Анварбек қизи – Тошкент давлат аграр университетининг 1-босқич магистранти (Жиззах вилояти)

Шокирова Самира Салоҳиддин қизи – Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Суюнова Мадина Муҳиддин қизи – Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси

Тўраева Маъмурда Үрал қизи – Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси

Жалолова Лобархон Суннатулло қизи – Навоий давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

Рахматова Дилдора Ислам қизи – Навоий вилояти Кармана туманидаги спорт мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийси

Абдулазизова Нигора Муҳаммаджон қизи – Намангандар давлат университетининг 4-босқич талабаси

Мамажонова Мухлисаҳон Музаффар қизи – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 4-босқич талабаси (Намангандар вилояти)

Худоёрова Фарангиз – Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги «Алишер Навоий» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси

Эргашова Бахора Сайфилло қизи – Ўзбекистон давлат жаҳон tillari университетининг итальян тили таржими назарияси ва амалиёти кафедраси мудири (Самарқанд вилояти)

Абдуолимова Зарнигорхон Алишер қизи – Гулистан давлат университетининг 4-босқич талабаси

Обидова Ҳилола Илҳомжон қизи – Сирдарё вилояти Гулистан шаҳридаги «Бетон саноат» масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари

Илматова Рината Ринатовна – Термиз давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти

Мирзаева Садоқат Ҳусниддин қизи – Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Исомадинова Гўзал Заҳриддин қизи – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Йўлдошева Наргиза Дастан қизи – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Жамолиддинова Нодирабегим Баҳтиёржон қизи – Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг 4-босқич талабаси

Эргашева Нилуғархон Ақрамжон қизи – Фарғона вилояти Марғilon шаҳридаги Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабининг 11-синф ўқувчиси

Оллаёрова Севинчой Фарҳод қизи – Хоразм вилояти Хива шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси

Юсупова Индира Рустамовна – Урганч давлат университетининг 4-босқич талабаси

Абдуллаева Ширин Баҳодировна – Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 152-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Тулибоева Садоқат Ақмурат қизи – Тошкент шаҳридаги 77-ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси

(ЎзА)

МАМЛАКАТИМИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИШ – ДОИМО ЭЪТИБОРИМИЗ МАРКАЗИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Халқаро хотин-қизлар кунига бағишиланган
тантанали маросимдаги нутқи**

Ассалому алайкум, мұхтарама онахонлар!

Мунис опа-сингиллар!

Дилбар қизларим!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Биз бу қутлуғ байрамни доимо орзиқиб, катта қувонч ва ҳаяжон билан кутамиз. Чунки бу шукухли айём юртимизга яшариш ва янгила-ниш фаслини – фасли навбаҳорни бошлаб келди. Бу байрам дилимиздаги сиз, азизларга бўлган самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни, меҳру муҳаббатимизни яна бир бор ифода этишга имкон беради.

Бугун ҳар биримиз чексиз миннатдорлик ҳисси билан Яратганинг буюк мўъжизаси бўлган аёл зотига – меҳрибон оналаримиз, қадрли опа-сингилларимиз, лобар қизларимиз шаънига энг гўзал сўзларни айтишимиз табиийдир.

Биз сизларни энг аввало фидо-ишлиқ тимсоли деб биламиш. Меҳридарё қалбингиз, ақл-заковатингиз, севги ва садоқатингиз учун сизлардан бир умр қарздормиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда, Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлган ёш авлодни тарбиялашда сизларга, сизларнинг буюк мураббийлик фазилатларингизга таянамиз.

Қадрли опа-сингиллар!

Биз эркин ва фаровон, демократик, дунёга очиқ мамлакатни барпо этишда бутун халқимиз қатори хотин-қизларимиз ҳам бекиёс ҳисса кўшаётганини албатта юксак қадрлаймиз.

Шу борада фақат айrim рақамларни келтириб ўтишга руҳсат бергайсиз.

Ҳозирги вақтда юртимизда фидо-корона меҳнат қилаётган ҳурматли аёлларимизнинг улуши тиббиётда – 77 фоизни, таълим соҳасида – 74 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида эса 46 фоизни ташкил этмоқда.

Агар 2017 йилда хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 27 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 33 фоизга, сиёсий партиялар сафида 40 фоиздан – 47 фоизга, тадбиркорликда 21 фоиздан – 37 фоизга етди.

Билимли, ташаббускор ва фаол аёлларимиздан 2 минг нафарга яқини давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда. Ҳусусан, Олий Мажлис Конунчлилик палатаси депутатларининг 33 фоизи, Сенат аъзолари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатларининг 25 фоизи хотин-қизлар эканини таъкидлаш лозим.

Ватанимиз ва халқимиз олди-даги муносиб хизматлари учун аёлларимиздан 17 нафари энг олий мукофот – «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган. Хотин-қизларимиз орасида 5 нафар академик, олий таълим муассасаларининг ўзида 700 нафардан зиёд фан доктори, қарийб 3 минг нафар фан номзоди, шунингдек, «Ўзбекис-

тон халқ шоири», «Халқ артисти», «Халқ ўқитувчиси» ва бошқа фахрий унвонларга сазовор бўлган кўплаб аёлларимиз бор.

Бундай жонқуяр опа-сингилларимизни Янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ҳурматли анжуман иштирокчilari!

Мамлакатимида хотин-қизларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларга даҳлдор ижтимоий муаммоларни ҳал этишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Шу мақсадда ўтган йили 872 мингдан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. 233 мингдан кўпроқ аёлларга 4 триллион 700 миллиард сўм кредит ажратилди. 252 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарлар ва тадбиркорликка ўқитилди.

Ҳабарингиз бор, биз халқимиз, айниқса, опа-сингилларимизни кўпдан бўён қийнаб келган уй-жой муамmosини ечиш мақсадида катта дастурларни амалга ошироқдамиш. Агар 2017 йилда мамлакатимида бўйича қарийб 8 минг квартирали 191 та кўп қаватли уй-жой қурилган бўлса, ўтган йили – шунга эътибор беришингизни сўрайман – 56 минг квартирали 1 433 та уй-жой барпо этилди. Жорий йилда эса яна 90 минг хонадон учун тураржойлар қурилади.

Ўтган йили 14 мингга яқин опа-сингилларимизнинг уй-жой шароити яхшиланди, қарийб 7 минг нафар эҳтиёжданд хотин-қизларга ижара тўловлари қоплаб берилди.

Мана шундай эзгу ишларимиз орқали қанча хонадонларга қувонч ва шодлик киргани, қанча-қанча одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифати тубдан ўзгаргани, минглаб аёлларимизнинг руҳи кўтарилиб, уларнинг эртаниги кунга ишончи мустаҳкамлангани биз учун энг муҳим натижадир.

Сўнгги йилларда «Аёллар дафтари» доирасида ҳам катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда салкам 642 минг нафар опа-сингилларимизга амалий ёрдам кўрсатилгани бу борадаги ишларимиз кўламидан далолат беради.

Хотин-қизлар саломатлигини асраш, оналиқ ва болаликни муҳофаза қилиш, миллий генофондни яхшилаш мақсадида ўтган йили 9 миллион нафар аёл тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 3 миллиондан зиёди амбулатор, 347 минг нафари эса стационар шароитда даволанди.

Юртимизда хотин-қизларнинг сифатли таълим ва тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мутафаккир жадид бобомиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, «Оналар – бутун башариятнинг тарбиячиларирид».

Дарҳақиқат, оиласа бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга, замонавий касб-хунарга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради. Биз шу мақсадда хотин-қизлар таълимини кўллаб-қувватлаш бўйича муҳим дастурни қабул қилдик.

Киёслаш учун бир мисол келтирмоқчиман.

Агар бундан 6 йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар хотин-қиз таҳсил олган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам қарийб 5 баробар кўпайиб, 500 минг нафарни ташкил этмоқда. Шу тариқа буғунги кунда олий таълим олаётган талабалар орасида қизларимизнинг улуши 50 фоизга етгани тарихимизда мисли кўрилмаган натижадир.

Янги тартибга мувофиқ, магистратурада ўқиётган 10 мингдан ортиқ талаба қизлар учун 68 миллиард сўмдан зиёд контракт пуллари давлат томонидан тўлаб берилди. 65 мингдан кўпроқ талаба хотин-қизларга 727 миллиард сўмга яқин фоизсиз таълим кредити ажратилди.

Эҳтиёжданд оиласа ташкилоти ҳозирги вақтда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси сифатида янгича мазмундафаолият кўрсатмоқда. Қўмитанинг ваколат ва фаолият доираси кенгайтирилиб, унинг таркибига билимдон ва юқори малакали янги кадрлар жалб этилди. Жумладан, биринчи марта энг қуий бўғинда – 9 минг 400 дан зиёд маҳаллада аёллар муаммоларни ҳал этишга кўмаклашадиган хотин-қизлар фаоли лавозимлари жорий этилди.

Буларнинг барчаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини Ўзбекистон аёлларининг чинакам таянчи ва сунчига айлантиришига хизмат қилади.

Муҳтарам ватандошлар!

Маълумки, турли соҳаларда дастлабки муҳим натижаларга эришиб, ёшларимизга намуна бўлаётган истеъодли қизларимизни шу қутлуғ байрам арафасида Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш яхши анъанамизга айланган. Бугун Зулфияхонимга муносиб издош сифатида эътироф этилган яна 28 нафар оқила ва истеъодли қизларимизга ана шу мукофотларни топширамиз.

Сиз, азиз қизларимни ҳаётингиздаги илк зафар билан чин дилдан табриклаб, барчангизга янги-янги ютуқлар тилайман.

Бугунги хурсандчилик кунда ўз соҳасида ибратли натижаларга эришган, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, ёш авлодни ватандарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ҳурматли аёлларимиздан катта бир гурӯхи давлатимизнинг юксак орден ва медалларига сазовор бўлдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасини самимий табриклайман.

Азиз ва қадрли ватандошлар!

Бугунги ўта оғир ва мураккаб замонда биз ўз олдимизга улкан вазифаларни қўймоқдамиш. Уларни бажариш албатта осон бўлмайди. Лекин бу шарафли йўлда бизга чексиз куч ва мадад берадиган мард ва олижаноб халқимиз, муҳтарама оналаримиз, азиз опа-сингилларимиз бор экан, кўзлаган улуғ мақсадларимизга албатта етамиз.

Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда бунёд этамиз!

Сизларга, бутун мамлакатимиз аёлларига сиҳат-саломатлик, оиласий баҳт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қутлуғ байрамингиз муборак бўлсин!

(ЎзА)

Аёл – миллатнинг боши, жами фазлу яхшилик ундан бошланади.

Шунинг учун ҳам ҳаётимизга мазмун бағишлайдиган, фарзандлар қалбига одамийлик, мардлик, олижаноблик фазилатларини гўзал тарбия орқали сингдира оладиган оналар, аёллар ҳар бир давлатда қадрлидир.

Юртимизда ҳар йили 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни кўтаринки руҳда нишонланиши замирида миллатдошларимизнинг бу нозик хилқат вакилларига хурмати ва эҳтироми мужассам.

АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР



Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида ҳам гўзалфаслнинг ушбу нафис байрами ўзгача руҳда нишонланди. Тантанада мудофаа вазирининг ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари ва вазирлик тизимида фаолият юритаётган аёллар иштирок этди.

Дастлаб генерал-майор Ҳамдам Қаршиев мудофаа вазирининг хотин-қизларга ўйллаган байрам табригини ўқиб эшигитиди. Шундан сўнг бир гурух ҳарбий ва Қуролли Кучлар хизматчи аёллари мудофаа вазирининг эсадалик нишони, «Намунали хизмати учун», «Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун» кўкрак нишонлари ҳамда қимматбаҳо совгалар билан тақдирланди.

Тантанада сўзга чиқсанлар сўнгги иyllarda мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқенини ошириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларга тўхталди. Нозик қалб соҳибларига кўрсатилаётган бундай юксак эътибор, эҳтиром сабаб уларнинг ҳар жабҳада фаоллиги кўзга ташланётгани таъкидланди. Ҳусусан, шарафли касб – ҳарбий соҳада фидокорона хизмат қилаётган аёлларнинг борлиги, улардаги фидойилик, бурчга садоқат кўнгилларда чексиз фахр, ифтихор туйғуларини жунбишга келтириши эътироф этилди. Аёл ҳарбий хизматчиларнинг Халқаро армия ўйинларида, турли



мусобақаларда эришаётган ютуқлари, қўлга киритаётган натижалари, касбий маҳорати, тажрибаси олқишлианди.

– III даражали «Намунали хизмати учун» кўкрак нишони билан тақдирландим, – дейди Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали катта ординатори тиббий хизмат майори Ҳаётхон Йўлдошева. – Катта саҳнада, кенг жамоатчилик олдида мукофотни қабул қилиб олиш жуда ҳаяжонли бўлар экан. Ўша лаҳзаларда қалбимда танлаган касбимдан фахрланиш туйғусини ҳис қилдим. Эътибордан бошим кўкка етди. Мен бу кунни ҳеч қачон унутмайман. Бундан буён ҳам менга билдирилган юксак ишончга муносиб бўлишга, танлаган касбимда юкори чўққиларни забт этишга ваъда бераман.



туфайли эъзозланганимдан беҳад шодман. Эришган бу ютуғимда қадрдон жамоамнинг ҳам ҳиссаси бекиёс. Улардан миннатдорман. Тилагим, бизни ҳурмат қилганлар ҳамиша шундай улуғлар қаторида бўлишсин.

Байрам тантанаси кўнгиллардаги ана шундай эзгу тилак ва истакларни юзага чиқарди. Аёллар кулгиси, шодлигидан атроф-олам янада ёришиб кетгандек бўлди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда таникли санъаткорлар ижросидаги концерт дастури эса кўнгиллардаги инжа туйғуларга сайқал берди.

**Подполковник
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА**

Bairam ABDURAHIMOV

Туркияда 24 кун давомида зилзила оқибатларини бартараф этишда иштирок этган Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг малакали ҳарбий хизматчилари юртимизга қайтиб келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент ҳалқаро аэропортида Мудофаа вазирлигининг тиббий отрядини мудофаа вазирийнинг тарбиявий ва мағкуравий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев, Туркияниң Ўзбекистондаги ҳарбий атташеси полковник Абдулқодир Овчи, кенг жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кутиб олди.

Туркияниң мамлакатимиздаги ҳарбий атташеси полковник Абдулқодир Овчи оғир дамларда елка тутган бирордадар ўзбек ҳалқига, хусусан, Мудофаа вазирлиги тиббий отрядига ўз миннатдорлигини билдириди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан, шу йилнинг 8 февраль куни Мудофаа вазирлигининг малакали ҳарбий хизматчиларидан иборат тиб-



ТУРКИЯДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ



бий отряди зилзилалар оқибатларини бартараф этишда ёрдам бериш ҳамда зилзиладан жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Туркия Республикаси жўнаб кетган эди.

Ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар қарийб бир ой давомида

зилзилалардан жабр кўрган турк ҳалқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб, оғир дамларда қўллаб-қувватлаб, уларга камарбаста бўлишиди. Шу вақт давомида улар жами 3 860 нафар фуқарога тиббий ёрдам кўрсатди, улар-

дан 1 795 нафари эркаклар, 1 177 нафари аёллар ва 888 нафарини болалар ташкил этади.

**Катта лейтенант
Исломжон Қўчқоров,
«Vatanparvar»**

EHTIROM

КЎНГИЛДАН БОШЛАНГАН ЗИЁРАТ

Ўтган асрнинг 80 йилларида «пахта иши» бўйича ўтказилган қатағон қанчаканча юртдошларимизнинг ёстигини қуритди, тирик қолганларининг қалбидаги эса ўчмас алам излари қолди. Бу воқеага қарийб 40 йил бўлса-да, орамизда ўша кунлар жабрини тортган инсонларнинг борлиги ва улар бугунги кунда ёш авлод учун матонат тимсоли сифатида қадрланиши эътирофга сазовор.

Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари ҳамкорлигига ўтказилган «Тирик хотира» деб номланган тадбир шундай кунлар жабрини тортган инсонларнинг ҳаёт йўлига бағишлианди.

Тадбир доирасида ҳарбий хизматчилар Мирзо Улуғбек тумани нуронийлар кенгаши вакиллари ҳамда ўқувчи-ёшлар билан биргаликда фаҳрийларни зиёрат қилишиди. Самимий даврада хотиралар ёдга олинди. Жамоатчилик вакилларининг бу ташрифидан чексиз шод бўлган кексалар ўз миннатдорлигини ҳаяжон билан изҳор қилди, қўллар дуога очилди.



Bahrom ABDURAHIMOV

– Ташрифингиздан жуда хурсанд бўлдим, – дейди фаҳрий Оқил Салимов. – Бизни йўқлаганларни Аллоҳ буюк қилсин. Илоҳим, юртдошларимиз кўнглидаги меҳр-оқибат йўқолмасин, юртимиз тинчлиги абавий бўлсин.

Ҳабиба ая Усмонова бу йил 81 ёшни қарши олади. Онахоннинг турмуш ўртоғи Ваҳобжон Усмонов «пахта иши» «айбдор»ларидан бирин сифатида қамоқقا олинганида оиланинг кенжা фарзанди Раънохон мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси эди. Аёл беш фарзанди билан ёлғиз қолди. Ҳам ота, ҳам она бўлиб, уларни оқ ювиб оқ таради, ўқитди,

уй-жойли қилди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин онахоннинг қалбидаги бешафқат тузум қолдирган яра чандиқ бўлиб қолди.

– Дадамни бутун умр соғиниб яшадик, – дейди Раъно Усмонова. – Отасиз яшаш қанчалик қийин эканлигини яхши ҳис қиласман. Онам яқингача дадамнинг йўлларига кўз тикиб ўтирадилар. «Жасадини кўрмаганман, бир куни даданг шу эшикдан кириб келса, ажабмас», дердилар. Шунинг учун ўйимизнинг эшиги доим очиқ турарди. Дадам қамоқقا олинган кунни яхши хотирлайман. Ўйимиздаги идиш-төвокларгача мусодара қилишган.

Онам чеккан азобу заҳматлар... Эсласам, этим жунжикади... Шукур, у кунлар ортда қолди. Биз, фарзандлар ҳаммамиз оиласи бўлдик. Бахтлимиз. – Ўтган йили онам авара кўрдилар. Унга Ваҳобжон деб исм қўйдилар. Дадамнинг номи, ёди ҳамиша қалбимизда, юрагимизда.

Тадбир кўтаринки руҳда ўтди. Ҳарбий оркестр садолалири ва айниқса, Марат Ҳакимов томонидан ижро этилган ретро кўшиқлар кўнгиллардаги ғуборларни аритди.

Г. ТУРСУНБОЕВА

Миллий армиямиз сафларига ҳар томонлама етук ўғлонларни саралаш ва тайёрлаб беришда, ёшларимиз онгу тафаккурига армия, ҳарбий ҳаёт ҳақидаги тушунчаларни сингдиришда мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари муҳим аҳамият касб этади.

Бундай юксак масъулият сабаб бўлгуси аскарларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг интеллектуал салоҳияти, жисмоний етуклиги ва саломатлигини мукаммал равишда синовдан ўтказиш бўйича мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида доимий равишда қизгин фаолият олиб борилади. Миробод тумани мудофаа ишлари бўлимида бўлганимизда мана шундай чақирав олди тайёргарлик жараёнида бевосита иштирок этдик.



АСКАР БЎЛАР ЙИГИТИНИГ МАРДИ



– Саралаш жараёнида йигитларнинг саломатлиги, жисмоний тайёргарлиги ва интеллектуал салоҳиятига катта эътибор қаратилади. Ҳар томонлама синовдан ўтган, муносиб ўғлонларгина Ватан ҳимоясига йўл олади, – дейди Миробод тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиги подполковник Дилмурод Ортиков. – Қувонарлиси, чақирав жараёни йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Эндиликда бу масъулиятли ишга кенг жамоатчилик ва ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳам жалб қилинмоқда. Улар чақирав жараёни бошлангунга қадар маҳаллаларда бўлиб, чақириувчиларнинг оиласи шароити, жамоат ишларидаги фаоллиги, қизиқишилари ва қобилияти, ҳарбий хизматга бўлган хоҳиш-истаги, одоб-ахлоқини ўрганиб чиқишиади. Бу борада бизга «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, ҳалқ таълими бўлими вакиллари, маҳалла фуқаролар йигинлари фаоллари, шунингдек, умумтаълим мактабла-

рининг чақиравга қадар бошлангич тайёргарлик ва жисмоний тарбия фанлари ўқитувчилари яқиндан ёрдам беришмоқда. Бутлаш комиссияси томонидан ижобий хуласа олган йигитларгина муддатли ҳарбий хизматга йўл олади. Мақсадимиз истиқолимиз ва тинчлигимизнинг метин кўрғони бўлган Қуролли Кучларимизга ҳар томонлама муносиб ёшларни саралаб беришдир.

Чақирав олди ишларининг асосий қисмини тиббий кўрик ташкил этишини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам ҳозирда қайси мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида, йигин пунктларида бўлманг, тиббий комиссия аъзоларига барча шарт-шароит яратилиб, хоналар зарур замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганига ва ушбу жараёнга малакали мутахассисларнинг жалб этилганига гувоҳ бўласиз.

– Кўп йиллардан бўён чақирав жараёнида иштирок этиб келяпман, – дейди Миробод тумани бутлаш ва ҳудудий комиссияси катта шифокори Ҳувайдо Ирисова. – Бугун йигитларимизда муддатли ҳарбий

хизматга бориш иштиёқи кучли. Шунинг учун улар саломатлигига ҳам жиддий эътибор беришяпти. Яъни йигитлар муддатли ҳарбий хизматга боришдан аввал олдиларида соғлиқлари билан боғлиқ улкан синовлар мавжудлигини чуқур англаб етишяпти, бирор бир касаллик билан оғриса, уни ўз вақтида даволашга, саломатликларини асрашга интилишяпти. Бу эса жуда қувонарли ҳол. Чунки бошқалар учун арзимас саналган баъзи касалликлар йигитларнинг Ватан ҳимоячиси бўлишдек эзгу мақсадларини ортга сурishi мумкин. Албатта, чақириувчиларнинг саломатлигини текшириш, синовдан ўтказиш биз, шифокорлардан катта масъулият талаб қиласди. Шу боис барча текширувлар кўп ийлилк тажрибага эга етук мутахассислар томонидан амалга ошириляпти.

Тиббий кўрикдан ўтаяётган йигитларни сухбатга тортганимизда, уларнинг барчasi муддатли ҳарбий хизматга боришни қатъий мақсад қилиб қўйганлигини таъкидлаб ўтдилар.

– Ҳар бир эр йигит каби Ватаним тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ишига камарбаста бўлсан, дейман. Шунинг учун ҳарбий хизматга бориш учун астойдил тайёргарлик кўрдим, – дейди Бегзод Жалилов. – Тиббий кўрикдан ва бутлаш комиссияси билан сухбатдан муваффақиятли ўтдим. Бу синовлар мени эзгу мақсадимга йўллаётганидан беҳад шодман. Келажакда ҳаётимни ҳарбий соҳа билан боғлашни мақсад қилиб қўйганман. Интилиш ва иштиёқ билан албатта бу орзумни ҳам амалга ошираман.

Айни вақтда юртимизнинг барча ҳудудларида мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида бўлиб ўтаяётган бу каби саъ-ҳаракатлар юртимиз тинчлиги, истиқолимиз барқарорлигига қаратилганлиги билан ҳам қадрлидир. Шуни ишонч билан айта оламизки, бу маскандан сараланиб, муддатли ҳарбий хизматга муносиб топилган ўғлонлар шарафли бурчни, яқинлари ишончини албатта оқлайдилар.

**Подполковник
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА**

Ҳарбий оила бекаларини сабр ва қаноат маликалари, десак, арзиди. Чунки ҳарбий хизматчилар қаерда бўлмасин, уларнинг умр йўлдошлари ҳам заҳматли вазифаларида елкадош, синовли кунларида суянчик.

Мана шу оқила бекаларимиз орасида билимдон, тадбиркор, зукко аёлларимиз борки, уларнинг интеллектуал салоҳияти, иқтидор ва қобилиятларини юзага чиқариш мақсадида ҳарбий қисм ва гарнizonларда маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ташкиллаштириб келинмоқда. «Мен намунали ҳарбий оила бекасиман!» шиори остида Мудофаа вазирлиги қўшинлари миқёсида босқичма-босқич ўтказилган «Балли, аёллар!» кўрик-танлови ҳам фикримиз далилидир.

Ушбу танловнинг якуний босқичи Maxsus авария-тиклиш бошқармасида бўлиб ўтди. Кўрик-танловда округ ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар оиласининг тўқизи нафар зукко бекаси иштирок этди.

Бекалар «Мен намунали ҳарбий оила бекасиман», «Игнадан ип ўтмаса», «Бахру байт» ҳамда «Биз Тўмарис издошларимиз» шартлари бўйича беллашдилар. Уларнинг ҳар бир чиқишини ҳайъат аъзолари одилона баҳолаб борди.

Биринчи шартда танлов иштирокчилари шеър ва видеороликлар орқали оиласи ва ўзи ҳақида маълумот берди. Иккинчи шартнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, аёлларимизнинг чеварлиги томошабинлар нигоҳи остида синовдан ўтди.

«Бахру байт» шарти энг қийин, шу билан бирга, энг қизик шартлардан бири бўлди. Унда барча оила бекаларидан ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан ижро қилиб беришлари талаб этилади. Шартнинг энг қийин томони шундаки, қатнашувчилар томонидан айтилган ижод намуналари тақрорланмаслиги лозим. Иштирокчилар ушбу шартга пухта тайёрланганлиги уларнинг ёдлаган лапарлари, қўшиклари сонидан ҳамда шарт давомийлигидан ҳам маълум бўлди.

«Биз Тўмарис издошларимиз» – сўнгги шартда бекаларимизнинг маҳорати яққол намоён бўлди. Марказий ҳарбий округ вакили Сарвиноз Дехқонова, Тоифаланган обьектларни кўриклаш қўшинлари кўмандонлигидан Моҳинур Мирзакаримовага насиб этди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ушбу танловда биринчи ўринни бирйўла икки нафар номзод: Куролли Кучлар академиясидан Гулшан Қурбонова ҳамда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўмандонлигидан Зарнигор Ибодова эгаллади. Қолган ўринлар эса қўйидагича тақсимланди:



ЗУККОЛАР БЕЛЛАШУВИ



барчасини бекаларимиз видеороликлар орқали томошабинларга тухфа этиб, эътирофларга сазовор бўлишиди.

Шунга кўра, ҳайъат аъзоларининг белгилаган баҳосига асосан, «Балли, аёллар!» кўрик-танловида олий ўрин, яъни мутлақ ғолиблик Тоифаланган обьектларни кўриклаш қўшинлари кўмандонлиги вакиласи Моҳинур Мирзакаримовага насиб этди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ушбу танловда биринчи ўринни бирйўла икки нафар номзод: Куролли Кучлар академиясидан Гулшан Қурбонова ҳамда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўмандонлигидан Зарнигор Ибодова эгаллади. Қолган ўринлар эса қўйидагича тақсимланди:

иккинчи ўрин (учта):
Жанубий оператив

кўмандонлигидан Сарвиноз Каримова;

Марказий ҳарбий округдан

Сарвиноз Дехқонова;

Шарқий ҳарбий округдан

Шаҳноза Муҳаммадова;

учинчи ўрин (учта):

Тошкент ҳарбий округидан

Гулсанам Эшпўлатова;

Шимоли-ғарбий ҳарбий

округдан Баҳора Маҳмудова;

Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий

округдан Зарнигор Айбова

ғолибликни қўлга киритди.

Маънавий-маърифий

тадбирнинг янада шукухли

ўтишида Maxsus авария-тиклиш

бошқармасининг «Импульс»

жамоаси санъаткорлари муносиб

улуш қўшиди. Беллашувнинг

барча иштирокчиларига Мудофаа вазирлиги томонидан қимматбаҳо соввалар топширилди.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»

Баҳор

Оlamни яшнатиб қайтдингми, баҳор?
Сени кўп согиндик, кумдик ҳар наҳор.
Ишқаларни дилларга этиб пайваста,
Ҳар ёнда ифоринг тутуб гулдаста,
Дилларни яшнатиб қайтдингми, баҳор?

Тоғларни қуҷоқлаб очилган лола,
Варраклар учирган шодон ҳар бола,
Дошкозон остида ёнган аланга,
Сумалак қайнатиб, холаю янга,
Оlamни яшнатиб қайтдингми, баҳор?

Олмалар гуллабди, ўриклар маржон,
Толпопук сочларни кўриб, ўйнар жон.
Чучмома тутган бу митти кўлчалар,
Кулигидан кўзлари ёнган қизчалар,
Дилларни яшнатиб қайтдингми, баҳор?

**Алиёржон МИРАЗИМОВ,
ҳарбий хизматчи**

Онамса

Онажон, мен сизни жуда соғиниб,
Түнлари кўзимга келмайди уйқу.
Сизни эъзозлайман фаршишта билиб,
Чеҳрангиз кўрмасин ҳеч қачон қайгу.

Она, сизсиз куним нурсиз, қоронғу,
Сиз борсиз, нур кўярар бу азиз бошим.
Сиз қалбимдаги гўзал бир чолғу,
Ёки осмондаги ойу қуёшим.

Ахир түғиламиз она бағрида,
Вояга етқазар шу азиз Ватан.
Алалар тинглардик ётиб бешикда,
Улғаярдик шу юртда шоду ҳуррам.

**Анвар РАВШАНОВ,
ДХХ «Темурбеклар мактаби»
ҳарбий академик
лицеи ўқувчиси**

ҲАР СОҲАДА МЎҶТАБАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фармони билан 2019 йилда таъсис этилган «Мўҷтабар аёл» кўкрак нишони жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ҳамда ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналиқ ҳамда болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган опа- сингилларимизни тақдирлашда, уларни янги марралар сари рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Мўҷтабар аёл» кўкрак нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда камбағалликни қисқартириш ва бандлик

вазири Беҳзод Мусаев, мазкур вазирлик ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Парпибоева аёлларни эъзозлаш юзасидан мамлакатимизда тизимли ишлар олиб борилаётганини тъкидлади.

Жорий йилда мазкур кўкрак нишони билан турли соҳаларда етакчи, матонатли, фидойи, мўҷтабар аёллардан 314 нафари тақдирланди. Улар сафида Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округ ходими Омина Дусматова ҳам борлиги эътиборга моликдир.

Тантанали тадбирда сўзга чиқсанлар кўрсатилаётган эътибор ва эъзоз учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириди.

Рўзиқул ОЧИЛОВ,
«Vatanparvar»

✓ BUGUNIMIZ QAHRAMONLARI

БИЗНИНГ АЁЛЛАР...

Аёллар – жамиятнинг кўзгуси. Қарашларимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, баҳтимиз, орзу-умидларимиз, ҳатто ташвишларимиз уларда акс этади.

Ижтимоий тармоқларни кўп кузатаман. Аёл-қизларимиз шаънига айтиладиган қаттиқ сўзлар қалбимга ботади. Азиз замондош, азиз ўқувчи, атрофингизга боқинг, ёмон аёллар йўқ! Шунчаки, бизнинг ёмон муносабатларимиз, янглиш тушунчаларимиз бор.

Ўтган ойда Туркия давлатининг бир нечта шаҳарларида юз берган аср ҳалокати – зилзиладан ҳамманинг хабари бор, албатта. Ана шу фалокат оқибатларини бартараф этишда айрим аёлларимиз ҳам жонбозлик кўрсатдилар. Айниқса, Сабо Маруфжонова деган ошпаз аёлнинг фидокорлиги тилларга тушди. Аслида ошпазлик ҳам анчагина оғир иш. Курақдек капгир билан дошқозонда палов тайёрлаш, тарқатишнинг ўзи бўлмайди. Сабо каби аёллар фарзанд ота-онасига раҳмат олиб келганидек, юрт шаънига яхши гаплар олиб келади.

Касбим тақозоси билан юртнинг турли

гўшаларида яшаётган, турли касб эгалари бўлган аёл-қизлар билан танишдим, сухбатлашдим. Ҳарбий мухбир сифатида илк иш бошлаган кезларимда Самарқанд шаҳридаги Ватанпарвар маҳалласининг бир неча хонадонларида бўлганимиз ёдимда. Ўшанда офицер Юлдашевнинг рафиқаси айтган сўзлар ҳеч ёдимдан чиқмайди: «Инсоннинг орзулари ҳам гўзал бўлиши керак!» Бу аёлнинг тутуми, ҳаёт тарзи айнан сўзларига мос эди.

Кўхна шаҳар Самарқанд... Бу ерда яна бир аёлни билар эдим. Исми Мұҳаббат. Каттагина оиланинг бекаси эди, икки ўғил, уч нафар эгизакни вояга етказди. Ана шу катта ва серташвиш оиласидан ортиб, ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан иш олиб борар эди.

Ота-онаси йўқ ҳарбий хизматчи йигитни ўзи бош-қош бўлиб уйлантирган эди. Ўзбекчиликда бу иш осонгина битиши қийин, биласиз. Аммо Мұҳаббат бу ишни зиммасига олди. Оила инсонга қанот бўлишини у ҳаммадан ҳам яхшироқ билар эди-да!

Хасталаниб қолди. Бир куни уйи остонасига Сурхондарёнинг бир қути ширали ва серсув аниорини келтиришиди. Бегона одам айтди: «Сизга анор шарбати шифо бўлар экан, Термиздан офицер укангиз бериб юборди...» Унинг офицер укаси йўқ эди. Офицерлар орасида ишлади. Уларнинг меҳрини қозонди. Хаста

опасига анор илингандан оғицер ҳам унга иниси қаторида эди.

Оғир ҳасталик Мұҳаббатни орамиздан эрта олиб кетди. Аммо у ээзги ишлари билан кўпларнинг қалбида, ёдидаги қолганига ишонаман.

Ватан учун азиз жонидан кечган қаҳрамон шаҳидимиз Улугбек Барноевнинг онаси Сабоҳат опани ҳамма-ҳаммага танитгим келади. Мен аёлман, онаман, ҳалок бўлган фарзанди ҳақида гапириш Она учун қанчалар оғрикли бўлишини тушунаман. Аммо ундан эшитгим келади, жасур ўғли ҳақида кўпроқ билсан, бошқаларга ҳам билдирум дейман. Кўзларига боқиб, опани тинглайман: «Олам оппоқ қорга бурканганида у туғилди. Шундай чиройли бола... Кўзлари какликнидек...»

Опа сўзлаяпти, кўзларидаги тубсизликда қўлидаги мўъжизага бош эгиб турган ёш, баҳтиёр аёлни кўраман. Шу баҳтни узокроқ тутиб туришни истайман, кўз ёшлар ёниб қўймасайди... Опа доно аёл, матонатли аёл, ҳеч қачон ўз фами билан бошқаларни эзиб қўймайди.

Яна бир ҳарбий хизматчи аёл бор. Исми Дилрабо. Мен уни осмонимиз нигоҳбони, кузатувчиси дейман. У Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшилари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига хизмат бурчини ўтаяти. Табассуми офтоб каби ҳароратли, ҳарбий либос кийган ўзбекоймун ў!

Ундан «Хизматда нима иш қиласиз?» деб сўраш фойдасиз. Майнинг табассум сизга жавоб бўлади. Шундай бўлса-да, унинг айрим эзгу ишларидан хабардормиз. Ҳар йили, мунтазам равишда гўзал Наврӯз айёми муносабати билан Мехрибонлик уйидага ўз хисобидан байрам тадбири ташкиллаштиради. Бу савоб ишда оила аъзолари ҳам уни кўллаб-куватлашади. Бу оиланинг фарзандлари ҳам меҳрибон она,



олижаноб ота тарбиясини олиб, юрт юкига елка тутадиган инсонлар бўлиб етишишларига шубҳа йўқ.

Донолар миллатнинг боши Аёл, дейдилар. Ҳақ гап. Шарафли вазифаси, оила ташвишларидан ортиб, Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари учун вақт ажратиш, улар кўнглини обод қилишга интилиш кўнгли уйғоқ, олижаноб, меҳр-шафқатли қалб егаларигагина хосдир!

Ҳарбий хизматчи аёлларимиз орасида Дилрабо каби инсонларнинг борлиги бизни мамнун этади. Кўнглимизни Бизнинг Аёллар деган ғурурли ибора билан мунаввар этади.

Аслида уларнинг сафи кенг. Айримлари ҳақида сўз юритдик холос. Улар орамизда, кўп ҳам эътибор беравермаймиз. «Туқсан онамга олган совғамдан қайнонам ўқсимасин, уларга яхшироғидан олай», деб фикрлайдиганлар ҳам бизнинг аёллар. Қўшнимнинг йўқловчиси йўқ, байрамда бир ҳадя билан кўнглини олай, дегувчи ҳам бизнинг аёллар. Етим қизлар онамиз йўқ, деб ўқсимасин, байрамга бир сидра янги уст-бош олиб берай, деган ҳам бизнинг аёллар. Ҳаж зиёрати учун йиққан пулени кўприк қурилишига иккilanмай сарф қилган онахон ҳам биздан. Мўҷтабар бир ёшда пенсиясини қардош юртнинг бошпанасиз қолган оилалари учун йўллаган онажон ҳам биздан.

Шундай экан, бор бўлсин, Бизнинг Аёллар! Байрамингиз муборак бўлсин!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»



Ривожланган мамлакатларнинг мудофаа саноати мажмуалари халқаро иқтисодиётда ва инсоният тарихидаги инновацион кашфиётлар ривожида муҳим роль ўйнайди. Жаҳон иқтисодиёти таҳлили шуни кўрсатадики, давлатлар мудофаа саноати комплексининг ривожланиши Қуролли Кучлар қудратининг асосларидан бири бўлибигина қолмай, миллий иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнлари учун ҳам катализатор бўлиб хизмат қиласди.

АКШ

Мудофаа саноати

Жаҳондаги энг кучли армияга эга ҳамда қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар экспорти бўйича 1-ўринни эгалловчи АҚШда мудофаа саноати комплекси бирмунча мураккаб ва ўзига хос тизимга эга. Жумладан, Америкада давлатнинг мудофаа саноати комплексини бошқарувчи, мувофиқлаштирувчи ва бу борадаги умумий федерал сиёсатни белгиловчи ягона масъул орган мавжуд эмас. Аксинча, армия, полиция, маҳсус хизматлар ва бошқа органлар эҳтиёжлари учун зарур бўладиган қурол-яроғ, аслаҳа-анжомлар, маҳсус техникаларни ишлаб чиқариш билан асосан хусусий сектор шуғулланади. Федерал ҳукumat эса бюджет тақсимотида тегишли вазирлик ва идоралар учун ушбу мақсадларга йўналтирилдиган маблағлар тақсимотини амалга оширади. Бироқ илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун федерал бюджетдан алоҳида маблағ ажратилиди.

Дунёда ҳеч бир давлат илмий тадқиқот ишларига америкачалик кўп маблағ йўналтирмаиди. Одатда, ҳарбий қурол-яроғ, аслаҳа-анжомларни сотиб олиш учун АҚШ мудофаа бюджетининг тахминан 20 фоизи, илмий тадқиқот ишларига эса 12-14 фоизи ажратилиди.

Хусусан, 2023 молиявий йил учун тасдиқланган АҚШ федерал бюджети умумий ҳисобда 1,7 трлн АҚШ дол-

ларини ташкил этиб, ундан 858 трлн доллари мудофаа мақсадларига йўналтирилган. Бундан 161,3 млрд доллар маблағ ҳарбий харидлар учун мўлжалланган бўлиб, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун эса 138,6 млрд доллар йўналтирилиши кўзда туттилган.

АҚШда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бевосита давлат назоратига олиш мақсадида 1958 йили Президент Дуайт Эйзенхауэр даврида дунё давлатлари ичida биринчилардан бўлиб, Мудофаа вазирлиги ҳузурида Мудофаа илғор тадқиқот лойиҳалари агентлиги (DARPA - Defense Advanced Research Projects Agency) ташкил этилган. DARPA АҚШ Қуролли Кучларида фойдаланиш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади ҳамда у илмий муассасалар, саноат корхоналари ва давлат ҳамкорлари билан биргалика АҚШнинг ҳарбий эҳтиёжларни қондириш ва технологик имкониятларини ривожлантириш мақсадида илмий-амалий тадқиқот ва изланишларни амалга оширади. Сунъий йўлдошлар, GPS тизими, дронлар, яширин стелс технологиялари, овозли интерфейслар, шахсий компьютер ва интернет каби олам-шумул кашфиётлар бевосита DARPA билан алоқадор.

У АҚШ армиясининг дунёда технологик устунлигини сақлаш, қуролли курашнинг янги техник воситаларининг тўсатдан пайдо бўлишининг олдини олиш, илғор тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш учун жавобгардир. DARPA бошқа ҳарбий тадқиқот ва изланиш институтларидан мустақил бўлиб, тўғридан-тўғри Мудофаа вазирлиги раҳбариятига ҳисобот беради. Унинг ташкили таркибига 6 та техник идорада 100 га яқин тадқиқот ва ривожлантириш дастурини биргалика назорат қилувчи 250 га яқин дастур менежери киради. Агентликнинг амалдаги директори 2021 йил марта ойида тайинланган Стефани Томпкинс. 2019 йилда ташкилотнинг йиллик бюджети 3,4 млрд АҚШ долларини ташкил этган.

Ҳозирда ушбу агентлик томонидан сув ости кемасига қарши курашувчи экипажсиз кема яратиш, олтинчи авлод реактив қиравчилари технологияларини ишлаб чиқиш, атмосфера ҳавосидан сувни ажратиб олиш, ҳарбий режалаштиришга компьютерлаштирилган ёрдам, ҳудудни юқори энергияли суюқ лазер ёрдамида ҳимоя қилиш тизими каби илғор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

2009 йилда DARPAга ўхшаш агентлик АҚШ Энергетика вазирлиги ҳузурлигига ARPA-E номи остида яратилган. Зоро, янги ҳарбий технологиялар энергетика соҳаси ривожига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Чунончи, атом электр стансияларининг пайдо бўлиши асосан ядро технологияларига асосланган қуролларнинг ривожланиши билан боғлиқ. 1990-йилларнинг бошида Қўшма Штатлар янги ҳарбий-иктисодий стратегияни қабул қилди, унинг моҳияти мудофаа саноатини ривожлантириша давлатнинг ролини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг ҳарбий ва фуқаролик секторлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат бўлган.

Шундай қилиб, АҚШ мудофаа саноатини конверсия қилиш бўйича кенг қамровли 5 йиллик дастурни амалга ошириш 1993 йилда бошланган. Беш йил давомида дастур учун умумий бюджет ҳаражатлари 24,1 млрд АҚШ долларини ташкил этди, шундан деярли 70 фоизи технологик ташабbusларга, шу жумладан, икки мақсадли маҳсулотларга узоқ муддатли инвестицияларга, 30 фоизи эса ёрдамчи дастурлар ва таълимга йўналтирилди.

Вақт ўтиши билан йирик саноат корпорациялари орасида етакчилар доираси шаклланди ва улар жуда қаттиқ рақобат мухитидга мудофаа буюртмаларни бажаришида ўзларининг ишончли ҳамкорлар эканликларини исботладилар. Ҳарбий буюртмаларни бажаришга ихтиослашган ушбу йирик саноат корпорациялари гурухи кўпинча мудофаа саноати комплексининг «Катта олтилиги» деб аталади. Бу «олтилиқ» Boeing, Lockheed Martin, Northrop Grumman, Raytheon Technologies, General Dynamics ва BAE Systems компанияларидан иборат.

Бугунги кунга келиб, Америка мудофаа саноати мажмуаси таркибига саноат концернлари, банклар, турли бизнесс бирлашмаларининг ҳарбий бўлимлари, тадқиқот марказлари, ҳукумат идоралари, Конгресс қўмиталари, шунингдек, мудофаа саноати билан алоқалар учун масъул бўлган Республикачилар ва Демократлар партияларининг маҳсус органлари киради.

Америка тажрибаси Иккинчи жаҳон урушида ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналарни фуқаролик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри ўтказишнинг иқтисодий самарасизлигини кўрсатди. Шу сабабли ҳарбий иқтисодиётни тўғридан-тўғри конверсия қилиш бўйича кенг муҳокама қилинган режалар рад этилди. АҚШ мудофаа саноати комплексини ислоҳ қилишнинг янги шакл ва усуспарини қабул қилди. Мисли кўрилмаган бирлашиш ва қўшилиш жараёни бошланди. Натижада 120 корхона асосида ҳар бири 20 миллиард

доллардан ортиқ сотув имкониятига эга олтига йирик ҳарбий-саноат корпорацияси пайдо бўлди. Америка ҳарбий саноат комплексида содир бўлаётган ўзгаришлар тизимли характерга эга ҳамда узоқ муддатли ва кўп факторли режалаштиришга асосланган. Улар ресурсларни оқилона сарфлашга, ҳарбий ва иқтисодий қудратни модернизация килиш ҳамда мустаҳкамлаш учун трансмиллиялаштириш жараёнларидан фойдаланишга, янги турдаги уруш имкониятларини яратишга, барча турдаги қурол-яроғлар класификациясида АҚШнинг технологик ва ҳарбий устунлигини сақлашга қаратилган.

«Катта олтилиқ» компаниялари самолётсозлик, кемасозлик, аэрокосмик мұхандислик соҳасида фаолият юритади. Улар йирик давлат буюртмаларини бажариш билан бирга, ишлаб чиқариши фаол равишда диверсификация қилиб, фуқаролик эҳтиёжлари учун ҳам юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. АҚШ мудофаа саноати комплексига жалб қилинган ходимлар сони тахминан уч ярим миллион киши атрофида.

Қўшма Штатларда асосий эътибор ҳарбий кемалар қурилишига қаратилган бўлса-да, қуруқлиқдаги кучлар учун қурол ишлаб чиқариш ҳам юқори даражада сакланниб келинмоқда. Аммо бу соҳада янгилек жиҳатидан алоҳида ютуқлар кўзга ташланмайди. Кўп сонли ўқотар қуроллар ва зирхли машиналари асосан экспортга йўналтирилган бўлиб, АҚШ жаҳон бозорига дунёдаги энг йирик ҳарбий техника етказиб берувчи давлат ҳисобланади. Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари анъанавий равишда Америка ҳарбий экспорти таркибида биринчи ўринни эгаллайди. Иккинчи ўринда АҚШнинг Яқин Шарқдаги иттифоқчилари, сўнgra Фарбий Европа мамлакатлари, ундан кейнинг навбатда эса Канада ва НАТОга аъзо давлатлар туради.

Ушбу мақсадларга эришиш учун ҳарбий-иктисодий ва илмий-техник фаолиятни давлат томонидан бошқариш механизмини такомиллаштириш, хусусан, ҳарбий ҳаражатларни молиялаштириш тизими, ҳарбий харидлар, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириша давлатнинг ролини тубдан ошириш мүҳим. Ички ва ташки рақобатнинг кучайиши билан 1990-йилларнинг бошидан бошлаб АҚШ Конгресси илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг асосий ҳомийси сифатида бозор иқтисодиётидаги хусусий секторнинг роли ҳақидаги анъанавий қарашлардан расман воз кечди. Хусусан, Федерал ҳукуматнинг ваколатлари беғиланган АҚШ қонунида шундай ёзилган: «Миллий манфаатларга асосланниб ва жаҳонда АҚШга рақобатдош давлатларнинг иқтисодий сиёсати тамойилини ҳисобга олган ҳолда, Конгресс федерал ҳукуматга маҳсус функцияни юклайди. Ушбу функция илмий-техникавий ишлаб чиқаришда фан ва технологияларни нафақат ҳарбий мақсадлар, шунингдек, фуқаролик саноати учун кенг миёсда молиялаштириш, Федерал пудратчи корпорацияларни янги намуналар, технологияларни яратиш ҳамда уларни саноат мақсадларида ишлатиш ва ички бозорга жорий этишга мажбур қилишдан иборат».

Хулоса ўринда таъкидлаш мумкинки, АҚШ узоқ йиллик ривожланиш тарихи давомида давлат ва хусусий компанияларининг самарали тандемига асосланган қудратли мудофаа саноати комплексини яратишга муваффақ бўлди. Ҳеч иккиланмай, бу ривожланишида айниқса DARPAнинг роли беқиёс эканлигини айтиш кепрак. Шундай экан, Ўзбекистонда ҳам миллий мудофаа саноати комплексини ривожлантириш мақсадида шу каби ташкилот тузиш имкониятларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Майор Сухробжон СИРОЖОВ

ҚИЗИЛТОФ ҲУДУДИДАГИ

Яйловдек бепоён, қаровсиз бўлиб қолган ҳудуд кўркам ва чегараси кўринмас боқса айланиши атрофдаги аҳолининг ҳайрат ва ҳавасини келтиради. Ташаббускорларни беҳуда уринища айبلاغалар ҳам учраган экан. Мана, орадан уч йил ўтиб, маҳалла-кўй ҳам катта мақсадлар йўлидаги Ватан ҳимоячиларининг ҳампайига, қадрдонига, ҳамкорига айланди.

Тошкент вилоятининг Паркент тумани Қизилтоф (Красногорск) аҳоли пункти тоғ ён-атрофидан Мудофаа вазирлигига бириткирилган ҳудуд бугун обод бир гўшага айланди. Бўлиб ўтган катта ҳашар чоғида Толбулоқ маҳалласи фаоллари ҳам ҳарбий хизматчиларга ҳудди ўз фарзандларилик мумомала, муносабатда бўлдилар. Ободонлаштириш ва кўкаломзорлаштириш ишларидан беҳад миннатдор эканликларини изҳор қилдилар.

– Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан республикамиз бўйлаб «Яшил макон» умуммиллий лойихаси ёълон қилинганди. Шу асосда 2021 йили кенг кўламли, тизимли фаолият бошланганди. Қилинган



маҳнатлар маҳсули ўлароқ, ҳозирги кунда жуда кўплаб мевали ва манзарали дараҳтлар кўзимизни қувнатиб, бўй кўрсатиб турибди. Кўчат экиш ишлари эса жадал суръатда давом эттирилмоқда, – дейди подполковник Анвар Ҳамидов.



Mujalif surʼatga oigan

ЯШИЛ МАЙДОН



Албатта, ана шундай жадаллик инсоният учун жуда ҳам муҳим. Ўсимликлар, дов-дараҳтлар ҳаёт учун зарур бўлган кислороднинг асосий манбаидир. Тадқиқотларга қараганда, бир гектар майдондаги дараҳтлар маълум миқдордаги карбонат ангирид газини ютиш бароба-

рида 500 кишини бир кун давомида таъминлайдиган кислород етказиб берар экан.

Ўтган қисқа муддат давомида ҳарбий хизматчилар томонидан 500 мингдан ортиқ ниҳол умид билан ерга қадалган. Улар кун келиб, ўзининг мевасини беришига шубҳа ўйқ.

BIATLON

ОЛИМПИЯ САРИ ИЛК ҚАДАМ



Яқиндагина аномал совуқдан чиқиб олган инсоният яна жуда исиб кетиш эҳтимолидан хавотирга туша бошлади. Ана шундай вазиятда Чимён тоғ ён бағрида республикамизда биринчи маротаба биатлон спорт тури бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. У ерда ёш спортчи ўғил-қизлар ўзларининг чангидаги учиш ва отиш маҳоратларини яна бир бор синаб кўриш имкониятига эга бўлди.

Мудофаа вазирлиги, Биатлон федерацияси ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигига ташкил этилган мусобақанинг очилиш мэрсимида Мудофаа вазирлиги «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар маркази ҳарбий хизматчиларининг

махсус техника ва чангиларда соvuқ, қорли иқлимдаги ҳаракат элементлари йигилганларга намойиш этилди.

Шундан сўнг мусобақага старт берилди. Спортчилар спринт ва қувлашмачоқ пойга турлари бўйича ўзаро беллашувга киришдилар.



– Ўйлаймизки, бу ишларнинг бошланиши катта мақсад ва мэрраларнинг дебочасидир. Мазкур спорт турини ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, тезкор ҳаракатланиш, чангиларда юриш ва пневматик қуроллардан ўтиш машқлари ўшларнинг замонавий

босиб ўтиб, берилган нишонларни ўтган ва тик турган ҳолатда мўлжалга олишлари керак. Қишики Олимпия спорт турларига киритилган ушбу мусобақа ҳам Ўзбекистон ўшлари учун халқаро мусобақаларга тайёр гарликнинг илк қадамларидан бири бўлиб хизмат қилади.

ОНАҚУТ

Ўзбекнинг УЛУФ МОМОСИ

СУҒД ҲОДИСАЛАРИ ДАВОМИ

Бу саҳифаларни «Чўғқут» (Суғуд) сўзининг «қут» кисми банд этмоқда.
«Қут» сўзи ўқувчани ўзбекнинг Улув Момоси билан юзлаштироқчи. Бу ҳикоя Чўғқут маликаси, хонадонларда чўгнинг сўниб қолмаслиги учун жамиятдаги биринчи масъул шахс ҳақидадир. У туфайли Туроннинг ҳозиргача сирли бўлиб қолаётган бу шарафли ўлкаси «Чўғқут» (Суғуд) номи билан аталган экан. Туроннинг ёвқур алплари кўп асрлар ҳеч иккапланмай жонларини шу кутлуғ юрт озодлиги ва уни ҳар хил босқинчилардан асраш учун тиккан. Энди манбалар орқали «қут» сўзи даргоҳига кирамиз.

ТУРКИЙ ТИЛ СЎЗЛИГИ

Бу сўзлик муаллифи улув аждодимиз, тилшунослик илмининг буюк даргаларидан бири, машҳур аллома Маҳмуд Кошғарийдир. У ўз луғатида бу сўзга бир неча ўринда таъриф ва изоҳ берган.

«Қут – баҳт, давлат. Қутлуғ ҳам шу сўздан ясалган. Шеърда шундай келган:

Қут қувиг берса изим кулинга,
Кунда иши йуксабан йўқар ағар».

Байтнинг бугунги тилдаги ифодаси:

Тангри берса қулига **қут**-барака,
Кунда иши кўтарилигай юксакка.

Яна:

«Қишиқа этин келса қали **кутлуғ** яай,
Туну кун кеча алқинур узалак била аай».

Байтнинг бугунги тилдаги ифодаси:

Қутлуғ ёз келганда йигингин қишига,
Туну кун ўтгайдир, ойу вақт кечгай.

Бу ўғит бугунги кунда ҳалқ оғзаки сўзлашув нутқида «Қишиғанини ёзда е!» шаклида мавжуддир. Маҳмуд Кошғарий бу сўзга яна бир неча саҳифаларда изоҳ берган. Эътибор қилинг, минг йил олдин жаранглаган сўз бугун ҳам тилимизда сира ўзгаришсиз ҳудди ўшандагидай маъно ва оҳангда янграмоқда.

ИККИТА ИЗОХЛИ СЎЗЛИК

«Ўзбек тили изоҳли луғати»да қуйидаги шарҳларни ўқиймиз:

Қут:
1. Бойлик; баҳт; барака.

Чақмок чақсин момақалдирок,
Майли, қўкни қопласин булут,
Шалоладай булутилар оплок,
Ёдриради сероблик ва кут.

– Ишимизга қут киряпти... – деди Ўқтам (Олтин водийдан шабадалар).

Қути учмоқ – баракаси кетмоқ.

2. Юзнинг (бет) ранги. Энди хотиннинг ранг-қуту жойига келган ва башарасидан кўрқиш аломати ўйқолган эди (С. Айний. Қуллар).

Қут-барака: қут ва барака; бойлик; фаровонлик.

«Фарҳанги тафсири забони тоҷики» сўзлигига «қут» сўзи икки хил шарҳланган. Бироқ у: 1. Таом, емак. 2. Ранг, юз маъноларини англаши кўрсатилиб, араб (а) тилидан олингани хато талқин қилинган.

Барча текширувлар «қут» сўзи илдизи ўзбекча эканини кўрсатди. Бу сўзининг «Суғуд»дан бошқа яна қандай улув тарихи бор? Бизнинг олдимида у билан боғлиқ яна қандай воқеа кутиб турибди?

ТАМАДДУННИНГ ИЛК ҚАДАМИ

Бу қадам Ўқуз ва Яксарт оралиғига муҳр каби босилган замонда ҳали Эроннинг қадимий ҳукмдор сулолаларини мадҳ этувчи машҳур афсоналар, Чиннинг энг эски солномалари йўқ эди. Ҳатто Наврўз тантаналари ҳали Ер куррасига етиб келмаганди.

Чўпон ота тоги этаги, Обираҳмат суви бўйи, Турон хоқони Алл Әр Тунга қурдирган Афросиёб қалъасининг шарқий девори ташқарисида минглаб эл хурсандчилик ва эзгу умидлар билан иштирок этадиган байрамда ҳозиргидаги каби умумий дастурхон ёзиларди. У турли нозу неъматлар билан тўлиб тошарди. Ҳудди шу кунлари эртаклардаги «очил дастурхон»ни ҳаётда кўриш мумкин эди. Уни асраб-авайлаш кишилик ибтиносидан Кўклам зиммасига юкланганди. Ундаги неъматлардан каттаю кичик – ҳамма баҳраманд бўларди. Бу маросимда таомлар малаги албатта «Сумалак» эди. У ҳозиргача бу азалий олий мақомини йўқотмаган. Бугун ҳам у Тангри таолонинг ергарди бандаларига илоҳий инъоми, дея қадрланади. Давраларда у ҳақда турли гаройиб ривоятлар сўзланади. Уша олис ўтмишдан бери ҳозиргача уни аёллар пиширади. Уни тайёрлашнинг ўзи сирли ва нафис пинҳоний маросимдир. Қозондан сузилгунча бу жараёнга ҳар кимса аралаша олмайди. Қадимги қатъий тартибиға бугун ҳам амал қилинади. Бу маросим манзараси «Турон тамаддуни муҳри»га битилган энг кўхна ёзиқларнинг бир парчасидир. Унинг орасидаги баш Сўз – «Сумалак»ка эҳтиром билдирамиз ва имконимиз боричи, уни англашга ҳаракат қиласиз. У биз қадим саҳифалардан қидираётган «Қут»нинг маҳсули эди.

МУҚАДДАС ТАОМ СОҲИБАСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Бу сўз минг йилдан бери кимнидир кутиб турғандек таассурот қолдириди менда. У улкан бир тарихнинг сирли қобқаси бошида турган Бош кўриқчи эди. У ичкарига бошлиди...

Туроннинг етти-саккиз минг йилликлар бағрида ястаниб ётган жўшқин ва шонли маданий-маврифий тарихи бағрида бизни дунё ҳалқлари орасида чексиз шуҳратга эришган ва сирли **Онақут** кутиб олди. Бу момомиз биз билган машҳур «Авесто» («Кўк сўзи», кейинчалик ундан «овоз» сўзи ҳам ясалган) китоби пайдо бўлишибдан 5-6 минг йил олдин буғдоини сувда ивитиб, ундан сумалак пишираётган эди. Бирин-кетин минг йилликлар ўтаверди, ҳудди шу момомиз ва у тайёрлаган овқат шараfiga бағишинган «қут»ловлар кўпайиб бораверди. Орадан узоқ замонлар ўтиб, ўша «қут»ловлар «Авесто» китобига кирди. Уни кейинги қавмлар, бугунги мутахассислар «гут», «гот», «гос», «гоҳ» деб турлича ўқийдиган ва талаффуз қиласига «гит», «гет» бўлиб жойлашди. Ҳиндлар ҳозиргача қўшиқни «гит» дейди. Бизга у ахийри, Овруподан «гэт» (тавсифчи, таърифловчи, мадҳ қилувчи) бўлиб оргта қайтди.

Бугун ҳам сумалакни аёллар тайёрлайди. Улар борлиқ, ҳаёт, сув, қуёш, тупрок, шамол шаънинг кутловлар айтади, дуолар йўллайди. Уларнинг барчаси Онақутдан қолган миллий мерос ва аёлларимиз уларнинг муносаби ворисларидир. Ўзбек миллитининг Улув Момоси – Онақут тарихига шу тариқа йўл очилди.

Нима учун шу пайтгача авестошунос ва қадимшунос мутахассислар Турон аҳлининг олис ўтмишда Онақут исмли бош момоси ўтгани тўғрисида ҳеч қандай фикр билдирамаган? Ҳолбуки, улар Анаҳита шахсига кўплаб мурожаат қилган,



адоқсиз тадқиқотлар амалга оширган. Иш давомида бунинг бир неча сабаблари борлиги аниқ бўлди. Улардан бири дунё фанида узоқ вақт ушбу китоб хинд-оврупо тиллари гурухига мансуб қавмга тегишли, деб талқин қилувчilar қарашларининг буткул устувор бўлганидадир. Аслида бундай эмаслиги бизда борган сари ойдинлашмоқда. Ишимизда ахборотлар йигилиб, тинимсиз кўпайиб бораётти. Тўплangan маълумотлар ёввойи асов айғирлар кабидир. Айни дамда уларни уddaлаш қийин, уларни бу кичиккина мақола билан жиловлаб бўлмайди... Аммо бизнинг ҳам келган жойимида тўхтаб қолиш ниятимиз йўқ.

ОНАҚУТ ТАОМИ ВА «АВЕСТО»

«Авесто»нинг шоир Асқар Маҳкам таржима қилган нашрида Онақут номи «Анаҳита» шаклида ёзилган. Китобнинг 5-яшти «Ардвисура Анаҳита қасидаси» деб номланиб: «Мазда бунёд этган Ардвисура **Анаҳитанинг** тиник ва тавғиқи сувларига, жумла ўсимликларига фарраҳмандлик – соғинч ва олқиш, фараҳ, ва шараф» сатрлари билан бошланади. Таржимон унинг исмига: «Анаҳита (ғуборсиз, покиза) исми билан биргаликда зикр этилади. У Амударё худосидир», деб изоҳ беради.

Илмда «Анаҳита» мавзусига назар ташлаб, туганмас мунозара га тўқнаш келамиз. С.Б. Арутюнин уни «Анаҳит» шаклида ёзди ва арман ҳалқи илоҳаси, деган ғояни илгари суради. О.П. Валянскай унинг фикрини кўллайди.

Ўзбекнинг улув Момоси номи дунё фанида «Анаҳита», форсларда «Наҳид» номи билан аталади. У ёлғиз туркӣда таржима қилиниши талаб қилинмайди ва мукаммал тўғри маъно англатади. Унинг ўзбек тилида тиник жааранглайдиган «Онақут», «Энақут» шаклинига бундай мавҳум изоҳлар ва чексиз мунозараларга чек қўя олади.

Мутахассислар фикрича, Онақут (Анаҳита) узоқ ўтмишда шиддатот ва тошқин Ўқузнинг ҳомийси бўлган. Бу фикрларга: «У тур қавмининг қут-баракани асраш учун хизмат қилувчи мўътабар Онаси эди», деб қўшимча қиласиз.

Энди бу Момомиз тайёрлраган илоҳий таом ҳақидаги ҳикояга келдик. У таом кейинги йилларда дунё аҳлига маълум ва машҳур сумалак эди. «Авесто» китобида ўқувчи «сумалак» деб ёзилган сўзни учратмайди. Лекин биз «у матнда бор», деймиз. У айнан Онақут таоми номи билан таърифланиб, тадқиқотчilar уни «ҳавм», «ҳаом», «ҳаума», «ҳома» кўринишларида турлича ўқиди ва ёзди. У матнда илоҳий шарбат, ичимлик сифатида улуғланади: «Аҳура Мазда жавоб берди: «Эй Зардуст Ашаван! Ҳеч бир мурдор улув ибодат учун тайёрланган **ҳавм** шарбатини булагай олмайди. Агар улув ибодат учун **ҳавм** гиёхининг шарбати олинмаган бўлса». Бу матнни таржимон: «Ҳавм гиёҳи ҳаётбахш ва ўлимнинг олдини олгувчи сифатига эга», деб изоҳлайди.

«Сумалак» ва «ҳавм» сўзи ёзилиши ва талаффузи деярли ўхшамайди. Аммо «Авесто»да таърифланаётган мүқаддас ичимлик-озуқа тайёрланиши ва улуғланиш жиҳатлари билан айнан сумалакнинг ўзгинасидир. Илмий адабиётларда унинг «ҳома» шакли кўпроқ машҳур ва кенг тарқалган. Китобнинг эззулік ва насл давом этишига оид ғоялари асоси шу ичимлик-озуқа орқали ифода қилинади. Бу ҳолат айниқса бошқа бир қадимий китобда ёрқин ва мукаммалроқ баён этилган.

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
ката илмий ходими

ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК САЛОХИЯТ

Ахборот технологияларининг жадал равишида ривожланиши ортидан гегемон давлатлар ўз иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва геосиёсий қизиқишлиаридан келиб чиққан ҳолда, интернет хизматлар сифатини янада яхшилаш учун сунъий йўлдош технологияларидан фойдаланишга эътибор қаратмоқда. Қолаверса, сунъий йўлдош алоқа тизимлари давлатлараро конфликт ҳудудида ҳарбий мақсадлардаги жанговар ахборот алмашув тармоғи вазифасини бажармоқда.

Жаҳондаги интернет хизматларини кўрсатувчи компаниялар ичди АҚШнинг «SpaceX» компанияси алоҳида аҳамиятга эга. Америкалик миллиардер Илон Маскнинг орбитал интернет ғояси 2015 йилда «Starlink» номи билан режалаштирила бошланган. Лойиха доирасида сунъий йўлдош алоқа тизими орқали юқори сифатли ва арzon интернет хизматларини тақдим этиш дастурини амалга ошириш мақсадида орбитага 4 мингга яқин мини сунъий йўлдош қурилмалари олиб чиқилган. Яқин истиқболда уларнинг сонини 42 мингга етказиш режалаштирилган.

«Starlink»нинг асосий компоненти орбитадан таҳминан 500-600 км да учадиган мини сунъий йўлдошлар туркуми бўлиб, уларнинг фазога чиқарилиши чизиқли кетма-кетлиқда амалга оширилади. 2023 йил февраль ҳолатига кўра, орбитада мазкур компаниянинг 3 981 та сунъий йўлдоши мавжуд.

Сунъий йўлдошлардан ерга узатиётган тўлқинларни қабул қилиш учун «Starlink»нинг маҳсус антеннаси ва Wi-Fi роутеридан иборат терминал ишлаб чиқилган. 2023 йилга келиб «Starlink» 3 турдаги интернет пакетини тақдим қилмоқда. Биринчи пакет ойига 110 АҚШ долларидан иборат бўлиб, бир марталик ускуна тўлови эса 599 АҚШ долларини



ташкил этади. Иккинчи пакет «PB internet» ойлик харажатларининг нархи эса 135 АҚШ доллари бўлиб, 599 АҚШ доллари миқдорида бир марталик ускуна тўлови мавжуд. Учинчи «Starlink business» пакети эса 500 АҚШ доллари миқдорида ойлик тўловдан иборат бўлиб, бир марталик ускуна нархи 2 500 АҚШ долларини ташкил қиласди.

2020 йилда АҚШнинг шимолий қисми ва Канадада ўзининг тижорат мақсадидаги интернет хизматларини кўрсатишни бошлаган «SpaceX» ҳозирда дунёнинг турли минтақаларида 36 дан ортиқ мамлакатга ўз хизматларини тақдим этиб келмоқда. 2022 йил декабрь ҳолатига кўра, «Starlink» фойдаланувчилари сони 1 миллиондан ортган. 2022 йилнинг май ойида 400 минг фойдаланувчига эга бўлган мазкур интернет хизматининг ярим йил ичди ҳам индивидуал, ҳам корпоратив мижозлари сони деярли 2,5 баробарга кўпайди. Бу ўсиш ер юзининг турли минтақаларида ҳарбий тўқнашувлар сонининг ошиши натижасида анъанавий интернет провайдерлари хизмати чекланиши туфайли «Starlink»га бўлган талабнинг ортиши билан тавсифланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, дастлаб «Starlink» интернет тармоғининг яратилишидан кўзланган асосий мақсад дунёнинг энг олис ва чекка ҳудудларида ҳам инсонлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, кишиларнинг интернетга уланишлари учун имконият

яратиш бўлган. Бугунги кунда эса, «Starlink» сунъий йўлдош интернет хизматидан маший эҳтиёжлардан ташқари, ҳарбий ва сиёсий мақсадларда ҳам фойдаланиш ҳолатлари кенг кузатилмоқда.

Жумладан, ҳарбий эксперт Алексей Леонковнинг таъкидлашича, «Starlink» мини сунъий йўлдошларининг орбитага жойлаштирилиши коинотни ҳарбийлаштиришга уринишлардан бири бўлиб, Россия, Хитой, Эрон, Беларусь, Куба, Венесуэла ва КХДР каби давлатлар лоийҳани давлатлар суверенитети ва киберхавфсизлигига таҳдид сифатида баҳолаб, ўз норозилкларини билдириб келмоқда. Шунингдек, «Starlink» сунъий йўлдошларининг миллиметри тўлқинлар ёрдамида бошқа космик кемаларга таъсир ўтказиш ва уларни яроқсиз ҳолга келтириш эҳтимоли бу борадаги хавотирларни янада оширимоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакат мухим телекоммуникация тармоқларини назорат қилиб турishдан маҳрум бўлиш хавфининг олдини олиш мақсадида ўз сунъий йўлдошини орбитага учириш лоийҳасини кўриб чиқиши, интернет хизматларини импорт қилувчи мамлакат эмас, балки экспорт қилувчи мамлакатга айланиш орқали илмий-техник ва технологик салоҳиятни ривожлантириши мақсадга мувофиқ.

**Нурмурод СУЛТОНОВ,
ТАТУ магистранти**

✓ USLUBIY YIG'IN

ТАЖРИБА АЛМАШИШГА ХИЗМАТ ҚИЛДИ



Қуролли Кучлар академиясида кадр органлари офицерларининг касбий малакасини, билимларини ошириш, мантиқий ва ижодий фикрлашни кенгайтириш, ҳарбий кадрлар билан ишлаш бўйича янги усул ва услубларни ўрганиш, кадр органлари офицерларининг хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан офицерлар ўртасида ўзаро тажриба алмашишга имконият яратиш мақсадида услубий йигин ўтказилди.



Тадбирда мудофаа вазирининг тарбиявий ва мағкуравий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев сўнгги йилларда мамлакатимиз Қуролли Кучларида бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳамда унда кадр органи офицерларининг ўрни хусусида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг маърузачилар томонидан йигин иштирокчиларига жаҳон ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва

унинг ўзгариш тенденциялари, ҳарбий хавфсизликни таъминлашда истиқболли ҳарбий кадрлар захирасини шакллантиришнинг аҳамияти, кадр органларининг жанговар шайлик даражаларида мавжуд тизимли камчиликлар ва уларнинг ечиши ҳақида маъruzalap тингланди.

– Услубий йигин кадр органлари офицерларининг тажриба алмашиши, фикрлашиши ва маълум мавзуулар юзасидан эркин мулокот қилишига хизмат қиласди, – дейди подполков-



ник Иброҳим Ҳамдамов. – Йигин давомида биз соҳамизда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар тўғрисида ҳам хабардор бўлдик. Муаммоли вазиятларни ҳал этиш, бунда энг аввало, инсон омилини биринчи ўринга қўйиш борасида ҳам тегишли хуласалар қилинганди.

**Ш. ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»**

КІҮЧКОР НОРКОБИЛ



ИНШО

Бола тинчлик мавзусида иншо ёзды; бор-йұғы олти қаторгина.

«Онам сигир соғадилар. Нон ёпапдилар. Мен ва укаларим иссик нонни синдириб, сут косага соламиз. Бу – Тинчлик! Яхши. Онажоним Ота-жонимга нон ушатиб берадилар. Ота-жоним нонга чап құлыми узатадилар. Үңг құлыми афғон уруши еган. Уруш – ёмон! Бизнинг үйимизда Тинчлик ва Уруш ёнма-ён яшайды...»

...Муаллимама бу битикни ўқиб юмюй үйеглади.

МОХИЯТ

– Вася, майли, қуриб кетсин, амаким айтган ўша ўқ заводига ишга кирсанг бўларкан.

– Настя, эсинг жойидами? Ахир бизнинг фарзандларимиз бор-ку! Учови ҳам ўғил!

– Нима қипти?

– Ахир ўша ўқлар барибир бир куни отилади-ку...

ЖАНГЧИННИНГ ТУФЛИСИ

Унинг бир оёғи йүқ әди. Құлтиқта-еңи курси четига қыйиб, сотовчи қиздан әнг қиммат туфлининг бир поинни узатишины сұради.

Туфли лоп-лойиқ келди. Сотовчининг ғалати ахволга тушганини сезиб, шоша-пиша шундай деди:

– Хавотирланманг, нариги поинни ҳам оламан. Унисини Воронеждаги ошнам Володяя жүннатаман...

Сотовчи қызы титраб кетди.

Жангчи жилмайди. У дўконлардаги бундай ҳолатларга кўнишиб қолган әди.

ЭТИКЧАЛАР

Бу урушда этикчалар эгасиз қолди.

Аёл этикчаларни хона бурчагига олиб бориб қўйди.

– Қани ўғирилиб тур, – дея этикчалар тумшуғини деворга тақади.

Эгасиз этикчалар девор бурчиди чорак соат турди.

Аёлнинг раҳми келди:

– Башқа тўплон қилмагина, хўпми?! У этикчаларни кўксига босди. Сўнг стулчага олиб келиб қўйди:

– Қани, энди овқатингни еб ол!..

Аёл этикчаларга узоқ тикилиб турди. Нимадир ёдига тушгандай бўлди. Сўнг... сўнг... чинқириб үйғлаб юборди.

Этикчалар соҳибаси бор-йұғи олти ёшдагина әди.

ЁЗУВ

Қизалоқ олти ёшда.

Дийдаси тош әди.

Деразадан ташқари қаради.

Кўчада уруш.

Пардани тортди.

Оғир-оғир юриб стол ёнига келди. Тик турган алфозда оппоқ қофозга ажи-бужи қилиб ёзди: «Кетдим. Уруш тугаса менга хабар беринглар. Қайтиб келаман...»

Кизни онаси олис-олисларга олиб кетди.

Вақт ўтди. Вақт учди. Ўша олис-олисларда бир қабр пайдо бўлди. Қабртошда ажи-бужи ҳарфлар билан шундай ёзилганди: «Кетдим. Уруш тугаса, хабар беринглар. Қайтиб келаман...»

УРУШНИНГ СУВРАТИ

(дўстимнинг ҳикояси)

Ёлғиз – ёлғиз ўғил. Ғулом бобо билан Ойсара холанинг ёлғизи, ортида қоладиган ёргу изи.

Ҳарбийга чақирив келди.

Ёлғизни афғон урушига олиб кетишиди.

Хола кўп үйғлади. Холанинг кўзи хира тортди. Хола кўрмай қолди. Хола: «Ҳали ўғлим келса, кўзим очи-либ кетади», – деб қўяди.

Софинч дарди, таҳлика азоби холанинг ич-ичини ҳам куйдириб кетди. Бир йил ўтар-ўтмай, хола омонатини эгасига берди.

Ғулом бобо буқчайиб қолди. Икки кўзи эшикка қадалди. Фақат эшикни кўрди. Ёлғизнинг йўлига тикилди икки кўзи.

Пахса деворга омонат илинган пастак эшик тиқ этса, бобонинг юраги шиф этади. Жони ҳалқумига келади. Нураб, тўқилиб кетаман деб турган озурда кўхна кулбадан отилиб чиқиб, ялангоёқ юргургилайди.

Оувулдошу қўни-қўшни далда бе-ради: «Келади, бобо, келади, Ёлғизнинг келади...»

Ёлғиз келмади.

Темир тобути келди.

Эл-эломон бир қалқди – уввосурди эл-эломон: «Нотанти тақдир,

келиб-келиб, шугина ёлғиз чолнинг Ёлғизига چанг соласанми?..»

Бобо гарангсиб қолди. Эси кирди-чиқди бўлди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, бобонинг қошига қишлоқ мактабининг директори келди.

– Мактабни ўғлингиз Ёлғиз Тўраев номи билан атаймиз. Қабрига мармартош ўрнатиб, таъзиянома ёзмоқчимиз.

Чол унга ўқрайиб қаради. Ичкари уйга кириб кетди.

Эни-бўйи яrim қулоч келадиган мармар лавҳ олиб чиқди. Директор мармар лавҳга ўралган суратни – Ёлғизнинг суратини ҳамда «Мен отамдан олдин ўлганман...» деган ёзувни кўрди. Кўз олди қоронгилашиб, ич-ичидан ўқирик келди. Ўзини зўрга тийиб иҳради.

– Уз, бобожон, узр.

– Уф-ф... Кечади... Кеча район марказига бориб, ўзим тайёрлатиб келдим. Шуну қўяман, – деди бобо.

Бобонинг жони тош экан. Бобонинг боши тошдан экан. Бобо яшади. Узок яшади. Бу ҳаётга қасдма-қасд яшади. Ўтган йили юз ёшга яқинлашиб қазо қилди.

Хотира ва Қадрлаш байрамида қишлоқда бўлдим. Қабристоннинг кунботарида Ёлғиз ётган қабр бошига келдим. Аскар кийимида жилмайиб турган ўғлоннинг сурати тагида: «Мен отамдан олдин ўлганман...» деган ёзувни ўқидим. Ўзимни қўлга олдим.

— Ана, ёнидаги Ғулом отанинг қабри, – деди қўшним.

Қабр бошидаги мармар лавҳдаги:

«Мен боламдан кейин ўлганман...», деган ёзувга қўзим тушди. Энди ўзимни тутолмадим. Қабр по-йида чўккалағ ўтиридим-да, кафтим билан юзларимни тўсдим. Ичимдан кўпириб тошган оғрикли бўронни тўхтатолмадим...

XALQARO HAMKORLIK

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан илғор хорижий давлатларнинг суд-хуқуқ тизимида ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни тергов қилиш ва ушбу соҳадаги қонунийликни таъминлаш борасидаги тажрибаси ўрганилмоқда.

Жумладан, 2023 йил январь ойида Ҳарбий прокуратура ходимлари иштирокида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги мудофаа масалалари бўйича атташеси полковник Пак Ан Со билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда Корея Республикаси Миллий мудофаа вазирлиги ҳарбий прокуратураси билан ҳуқуқий соҳада ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, уларнинг тизими, фаолияти, кадрларни танлаш, малакасини ошириш, шунингдек, замонавий криминалистик техникалардан фойдаланиш ҳамда ҳарбий хизматчилар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тажриба алмашиш масалалари келишиб олинди.

Келишувларнинг амалий натижаси сифатида жорий йилнинг февраль-март ойларида Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ботир Кудратходжаев бошлигидаги делегациянинг Корея Республикасига ташрифи амалга оширилди.

Ташриф доирасида Корея Республикаси Миллий мудофаа вазирлиги Бош прокурори генерал Ким Донг Хёк, Куролли Кучлар ҳарбий суди Бош судьи Сео Сунг Үн ва Миллий мудофаа вазирлиги жиноий тергов қўмандонлиги қўмандони генерал Чонг Чанг Юн би-

лан ва бошқа қатор юқори ҳарбий мансабдорлар иштирокида ўзаро манфаатли музокаралар ўтказилди.

Конструктив мулокотлар давомида томонлар икки давлат ўртасида Қуролли Кучлар соҳасидаги қонунларни такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришининг истиқболли йўналишларини муҳокама қилдилар.

Шу билан бирга ташриф доирасида Ботир Кудратходжаев Корея Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Сонг Канг билан учрашув ўтказди.

Учрашувда томонлар уюшган ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали усуслари ва ушбу йўналишда идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари бўйича фикр алмашдилар.



Мулоқот давомида икки давлат прокуратура органлари ўртасидаги профессионал алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани ва ўзаро имзоланган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги ҳалқаро шартномаларнинг ижроси самарали таъминлаб келинаётгани таъкидланди.

Айниқса, ҳозирги кунда миллатлараро тутувлик ва тинчликни таъминлаш, экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш ҳамда ноконуний давлатлараро миграциянинг олдини олишда ҳалқаро ҳамкорлик мухим аҳамият касб этиши қайд этилди.

**Адлия полковниги
Отабек ХОЛБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг
биринчи ўринбосари**

ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Қуролли Кучлар давлат музейида Мудофаа вазирлиги Фахрийлар ишлари бўйича кенгашлари томонидан 2022 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва 2023 йилдаги устувор вазифалар таҳлилига бағишлиланган тадбир бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бугун Мудофаа вазирлиги Фахрийлар ишлари бўйича кенгаш аъзолари ўзларининг ҳаётий тажрибаси, билими ва бой маънавияти орқали ҳарбий хизматчилар, аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туй-

ғусини шакллантириш, шу билан бир қаторда ҳарбий касб нуфузини ошириш-дек улуғвор мақсад йўлида фаол иштирок этиб келаётган ташкилотлардан саналди. Бу йўналишда улар томонидан ўtkazilaётган маънавий-маърифий тадбирлар баркамол авлод тарбиясига улкан ҳисса кўшиш билан бир қаторда халқимиз

орасида армияга бўлган ишончни янада мустаҳкам-ламоқдаки, буни ҳар қанча эътироф этсак арзиди. Йиғилишда сўзга чиқсан Фахрийлар ишлари бўйича марказий кенгаш раиси А. Наврӯзов армия ва ёшларни янада яқинлаштираётган шундай эзгу тад-

бирлар аҳамияти ҳақида батафсил гапириб ўтди. Бу каби самарали тадбирлар ўтган йиллар давомида Қуролли Кучларимизда амалга оширилган изчил ва узокни кўзлаб амалга оширилган ислоҳотлар самараси эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда Фахрийлар ишлари бўйича Тошкент шаҳри кенгаши раиси З. Ахмедхўжаев, Шарқий ҳарбий округ кенгаши раиси Т. Гиясовнинг кун тартибидаги масалалар юзасидан маърузалари тингланди. Йиғилиш давомида жойлардаги кенгашлар фоалиятини танқидий-таҳлил қилиб, 2023 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга атрофича тўхталиб ўтилди.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА



✓ XAVFSIZ HAYOT UCHUN

МАРАФОН САЙИЛГА УЛАНДИ

Термиз шаҳрида Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилояти бўлими ҳамда куч тузилмалари ҳамкорлигига «Хавфсиз ҳаёт учун» марафони ва ҳарбий-ватанпарварлик байрам тадбири ўтказилди. Эрта тонгдан «Сурхон» стадионидан бошлиланган байрам кечки пайт Ёшлар марказида давом эттирилди.



Марафон давомида маҳаллий ёшлар, куч тузилмалари ҳарбий хизматчилари югуриш, спортча юриш ҳамда велопойга йўналишлари бўйича ўзаро баҳс олиб боришиди. Иштирокчилар шаҳар марказий кўчаси бўйлаб белгиланган марра томон ҳаракат қилишиб. Улар шаҳар аҳолиси томонидан муносиб қўллаб-кувватлаб турилди.

Марафон якунидаги голиб ва совриндорлар вилоят ҳокимлиги томонидан қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Тақдирлаш маросимида марафоннинг энг ёш қатнашчиси 2 ёшли Мухаммадали Жўрабоевга ҳам маҳсус совға топширилди. Эрта тонгда марафон билан бошлиланган байрам тадбирлари кечга бориб Ёшлар марказида давом эттирилди. Ҳарбий оркестр ва маҳаллий ёшлар ижросида Ватанга садоқат мавзусидаги куй-қўшиқлар янграган концерт дастури сумалак сайлига уланиб кетди.

Кечки сайилда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳам иштирок этди. Ҳарбий хизматчилар иштироқидаги бундай сайиллар Сурхон воҳасида жойлашган барча гарнizonларда бўлиб ўтмоқда.

Асрор РЎЗИБОЕВ

✓ MALAKA

MUTAXASSISLAR КО'НИКМАСИ ОШИРИЛДИ

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasida Qurolli Kuchlar akademiyasining bir guruh rahbar va pedagog kadrlari "Boshqaruv psixologiyasi va menejment" o'quv kursida malaka oshirishdi.



Kurs davomida ofitserlar psixologik bilimlardan va vaqtadan samarali foydalanish usullari, liderlik sifatlarini rivojlantirish, jamoani jipslashtirish, xodimlarga motivatsiya berish, kreativ fikrlash, stress va stressli vaziyatlardan to'g'ri chiqish bo'yicha o'z malaka va ko'nikmalarini yangi zamonaviy bilimlar bilan boyitishdi.

Shu bilan birga, maqsadni to'g'ri qo'ygan holda reja tuzish, eng muhim va dolzarb ish bilan uncha muhim bo'lmagan vazifalarni ajratma olish, vaqtini to'g'ri taqsimlash, "taym-menejment" usullari bo'yicha ko'nikmalarga ega bo'lishdi. Kurs mobaynida mutaxassislarining kompetentlik darajasini oshirish hamda rahbarning shaxslararo munosabatdagi muloqot madaniyatiga qaratilgan ma'ruba va trening mashg'ulotlari o'tkazildi.

O'quv kursi yakunida 19 nafar ofitserga malaka sertifikatlari topshirildi.

Podpolkovnik Sherzod RAVSHANOV,
Qurolli Kuchlar akademiyasi harbiy psixologiya sikli boshlig'i

Халқ орасида «Фалончи ажрашаётган эмиш» каби гапларга қулоқларимиз анча кўнишиб улгурди. Сабаби суриштириб кўрилса, айтарли важ йўқ. Қудаларнинг келишмовчилиги оқибатида икки ёш ота-онасининг сўзларини икки қилолмай, тақдирга тан беряпти. Шу ўринда табиий савол туғилади: ёшларнинг келажагини нега катталар ҳал қилиб қўйишмоқда?! Бу ҳол қачондан бошландио қачонгача давом этади? Нега катталарнинг ўзаро келишмовчилиги учун ёшлар жавоб бериши керак?

Аслида узоқни ўйламай
иш кўраётган қудаларда
манфаатлар тўқнашуви
рўй бераётган бир
пайтда ёшларда
мустақил фикрнинг
йўқлиги - энг катта
фожия! Аксарият
ёшларнинг манқурт
бўлиб, мустақил
фикрлаш салоҳиятининг
пастлигига ҳам
айнан бугун ҳаққини
келиннинг онасидан
талаб қилаётган
оналарда! Бу ҳол эса,
яқин ўтмишга бориб
такалади...

БОЛАНГИЗНИ НИМА УЧУН БОҒЧАГА БЕРАСИЗ?

Ота-она бирдек фаолиятини да-
вом эттириши учун болага қарашга
вақті бўлмайди, дейишга шошил-
манг. Барча оналар ҳам ишлайди
дэя олмаймиз. Айрим оналар ўзлари
үйда бекор бўла туриб, нега болани
боғчага олиб боришибади? Албатта,
таълим ва тарбия олишлари учун. Ўз
тengкўрлари билан мулоқотда бўлиб,
ижтимоийлашув, мослашув жара-
ёнларини шакллантириш учун ҳам
боладар боғчага юборилади.

МОСЛАШУВ ЖАРАЁНИ НИМА?

Болангизнинг тенгқурлари билан бирор ҳодиса ёки масалада баҳсга кириши, ўз позициясини химоя қилиши, кўнгли тусаган ўйинчоқни ўйнаши учун керак бўлса, колган бо-

лалар билан мурасага киришишга бўлган интилиши мослашув ва ижтимоийлашув дейилади. Барчамизга тушунарли бўлиши учун халқона сўзларда ифодалаяпман. Тасаввур қилинг, болангиз тенгқурлари орасидан ўзининг ҳаққини айириб олишни уддалай олмас экан, келажақда жигаргўшангиздан нимани кутяпсиз?

**СИЗ ҲАР ДОИМ
НАЖОТКОР БҮЛА
ОЛМАЙСИЗ**

Бұғунғи кунда ижтимоий тармоқлар орқали мактаб-гача таълим ташкилотла-рида бұлаёттан күнгилсиз ҳолатлар тарқалиб кетди. Бу ҳолат ҳали давом этиши хам мумкин. Лекин бит-

Digitized by srujanika@gmail.com

ноўрин. Бир тарбиячининг 20-25 болага масъуллиги инобатга олинса, сизнинг талабингизни қондириш имкониятсиз. Чунки она сифатида фарзандингизнинг мослашувига, ижтимоийлашувига, салбий таъсир кўрсатаётганингизни сезмаяпсиз. Келажакда фарзандингиз дуч келадиган тўсиқларнинг барчасини ҳам олиб ташлашга қодир бўлолмайсиз. Шундай экан, болалигидан ҳаққини ажратиб олишга, синовларда тобланишига ва тенгкурлари билан муроса йўлидан боришига имкон беринг!

АРЗАНДАНГИЗ ТАЛАБА

Боласининг келажагига бефарқ бўлмаган ота-она сифатида, албатта, унинг бирор университетда ўқишини истайсиз. Агар болангиз эплолмаса, буни ўзингиз бирор йўлини қилиб бўлса-да, эплайсиз. Богчада тарбия олишига имкон берилмади, мактабда эса таълим олишига вазият қолдирмаган ота-она сифатида бакалавр дипломи ҳақида бош қотиришингиз ўриннелимикан? Ҳа, сиз учун бу иш ҳам осон бўлмаса-да, уddaрайсиз. Чунки қўни-қўшничилик, дўсту душманнинг олдида юзингиз ёруғ бўлишини хоҳлайсиз, ахир. Охириги курсда ўқиётган маҳалда, албатта, унга тарбияли, ўқимишли, зеб-зийнатли келин қидиришни бошлайсиз. Узоқ қидиришлардан кейин топилади. Ўғлин-

Ҳа, сиз шу ишни қилгансиз. Аммо йўламанг, бундай ҳолат узоқ давом этмайди. У ўз йўлини топиш учун мустақил фикрли инсонларга эргашади. Чунки фикри йўқ инсон бошқанинг етагига юради-да. Уни етаклаётган инсоннинг танлагани тўғри йўл бўлса, хўп-хўп, ғаразли бўлса-чи? Бунга кай даражада тайёрсиз?

ЎГЛИНГИЗ ЁМОН (МИ?)

З ёшидан боғчага олиб борганингизда сизга ҳар дақиқада арзандангиз ҳолатини билдириб турувчи видеоларни ташламай тургани учун тарбиячи ёмон бўлди. Мактабда таълим берган устозлар болангизни қатъиyoрoқ тарбияламоқчи бўлгани



ИГУЗААН Нега хафаси3?

муроса қилмай, салбий
кайфият билан амаллаб
үтказдингиз. Энди навбат
үрта таълимга етиб келди.
Үрганган күнгил ўртаниб
қўймайди. Она сифатида
сиз ҳам, бола сифатида
жигаргўшангиз ҳам сиз-
нинг хайриҳоҳлигинги газа
кўнишиб бўлдингиз. Мак-
таб ҳам худди олдинги
тарбия ўчоги сингари
салбий нигоҳ, устозларга
бўлган доимий назорат
ва ўқитувчиларнинг сизга
бўлган нафратию таъ-
лимга бўлган эътиборсиз-
лиги билан ўтади. Чунки
сиз учун фарзандингиз
юқори баҳоланиши ке-
рак, устозга ўз тинчлиги.
Ўқитувчи ҳам нима қил-
син, у битта, ўқувчилар
эса 25-30 нафар. Агар
устоз ўқувчиларига дакки
берадиган бўлса, сиз ва
сизга ўхшаганлар томони-
дан ижтимоий тармоқлар-
да шарманда бўлишини
билади. Шунинг учун унга
ҳам ўз фарзандлари так-
дири мухимроқ. Сиз талаб
қилган масалада ёрдам
беради ва тинч ишлайди.
Пировардида ким жабр
кўрали?

та-иккита ҳолатлар туфай-ли бутун бошли тизимга бўлган ишончсизлик тўғри мikan? Қайси тизим хато-ликлардан холи?

Хозирда барча соҳалар-да жамоатчилик назорати кенг йўлга қўйилди. Бу ижобий натижаларни бермоқда. Очиқлик ва шаффофлик шу юрт фуқароси сифатида барчамизга бирдек ёқимли. Аммо, боғчада тарбия олаётган фарзандингизнинг ҳар кунлик фаолиятини тасвирга олиб, телеграм орқали сизга ташлаб турилишини талаб қилингиз хам

гизга ёқиши ёки ёқмас-лиги шарт эмас, чунки шу ёшигача ўғлингиз учун қарорни сиз қабул қилған-сиз. Шунинг учун унинг хоҳиш-истаги уччалик ҳам инобатта олинмайди. Сиз хоҳладингиз, шунинг ўзи етарди!

**БИР КУНЛИК ТҮЙ ҮТДИ
АММО...**

Тўй ҳам ўтди, аммо
негадир олий маълумотли
куёвга сиз хоҳлагандек
эътибор берилмаётганидан
жаҳл қиласиз. Қарабисзки,
айтганингиз рӯёби тезда
бўлавермагач, келинингиз
ҳам ёқмай бораверади.
Ҳар ишида хато, камчилик
топилаверади. Энди нима
қилиш керак, яна фарзан-
дингиз учун хulosани ўзин-
гиз чиқарасиз – ажратиб
олиш! Ўғил бола эса сиз-
нинг чизигингиздан ҳеч қа-
ерга чиқмайди. Нега, чунки
унда мустақил фикрнинг
ўзи йўқ. Бўлмаган ҳам. Бў-
лишига имкон бермагансиз.
Ҳаёт синовларида тобла-
нишига, муроса қилишга,
турли тўсиқлар келганда
ундан ошиб ўтишга бўлган
туйғусини ўйирлагансиз.

учун ёмонотлиқта чиқди.
Арзанда болангизнинг
ёнини олиб, ўқитувчиларни
хакоратладингиз.

22-23 ёшга түлгүнича
яхши бүлгөн ўғлингиз нега
бирдан ёмон бўлиб қолди?
Нега ундан хафа бўляпсиз?
Сизни тушунмаётгани
учунми? Ёки вазиятга тўғри
баҳо беролмаётганигами?
Ёки ёмонлар қўлида қўғир-
чоқ бўлаётгани учунми?
Қай бири учун хафасиз
ва нега ундан хафасиз?
Аслида барчаси бошқача
бўлиши мумкин эди. Кекса-
лик гаштини фарзандингиз
қарамоғида, роҳат-фа-
ротда, набиралар кур-
шовида, қудалар иззатида,
келинингиз хурматида
ҳам суришингиз мумкин
эди. Аммо сиз ўзга йўлни
танладингиз. Қош қўяман
деб, кўз чиқардингиз.
Нега фарзандингиздан
хафасиз?

**Нигора АЛЛНОВА,
Пахтачи туманидаги
3-давлат мактабгача
таълим ташкилоти
директори**

МЕХР

Катта анҳор сув тўлқинлари бир-бирини тутиб олмоқчилик пишқириб, шиддат билан оқади. Анҳор лабида ўтирган 8-9 ёшлар чамасидаги қизалоқ мунгли кўзлари билан сувга боқади.

– Эй, художон, менинг ҳам онам бор экан! Уни бир кўрай, меҳридан баҳраманд бўлай, – Зулхумор осмонга жажжи қўлларини узатиб, нажот сўради. Шу тобда орқа томондан момосининг овози эшитилди:

– Зулхумор, асал қизим, қаерда эдинг? Сени излаб, оёқларимда мадор қолмади.

75 ёшдан ошган Адиба момо бошидаги оқ чорсисини ушлаган кўйи на-бирасини топганидан хурсанд бўлди. Уйда ёлғиз сұянчиги, эркаловчи энг азиз инсони ҳам мана шу бетоб момоси эди. Улар бир-бирини қучиб, меҳрига тўймайди. Зулхумор тили калимага келмай, бўғзига тиқилган йиги аралаш: «Менинг онам тирик экан! Лекин мен сизни ташлаб кетмайман», дега уввос солиб йиглади. Кўз ёшлари худди анҳор сувига қўшилди. Момо ва набира анча йиглаб, енгил тортдими, уйга кириб кетишиди.

Жуда тор ҳовлининг тўрт томони уй билан ўралган. Ҳовлида «Текин томоқ, қаерларда санғиб юрибсан?» дега қўлини тол хивич билан Зулхуморни ўгай она савалай кетди. Ичкари хонадан момо ёзғирди:

– Урманг, келин, урманг, ундан кўра мени уринг.

Шу алфозда биринчи келинини эсга олди. Үғли Ойжамолга яхши кўриб ўйланган, келини ақлли, чиройли, меҳнатсевар эди. Үғли хотин устига хотин олишини айтганда эса, қайнона-келин эсанкираб қолганди.

– Ўйлаб гапиряпсанми, қизинг бор, гулдай хотининг бор, – жаврай кетди она.

– Дадаси, менинг айбим нима? Мендан қандай хатолик ўтди, айтинг, – кўз ёшларини артиб, уйга кирди. Ухлаб ётган қизалоқ онасининг йиғисидан уйғониб, ўзини унинг бағрига урди. Зулхуморни қўчоқлаб, эзилиб-эзилиб йиглади. Қизининг ҳаёти нима бўлишини, ўзи қаерга боришини ўйлаб, юрак бағри эзилди, эрига кучли нафрат уйғонди. Ойжамол йиғлаш бефойдалигини тушубниб, кийим-кечакларини катта рўмолга ўради. Қайнонасига «Мендан рози бўлинг, она, бу уйда ортиқ қолмайман, ота уйимга кетаман», дега қизи ва нарсаларини уйдан олиб чиқишга тутинди. Фарзандидан айрилишдан қўрқан эр хотинининг бағридан Зулхуморни юлиб олиб, «Ўзинг кет, қизимни бермайман!», дега уйга олиб кириб кетди. Зулхумор отасининг бақирганидан қўрқиб, йиғлади. Она ўғлининг ишидан ҳануз ҳайрон.



Нима қилишини билмас, факат инсоға келишини сўраб йиғлади. Ойжамол кўч-кўрони билан ота уйига кетди.

Зулхумор онасини соғиниб йиғлар, уни момоси овутиб ухлатарди. Орадан бир ҳафта ўтиб, ҳовлига янги келин келди ва ўзини яхши кўрсатишига анча ҳаракат қилди. Зулхуморни отаси, момоси ёнида бўлса, айланиб-ўргилиб, эрка қизимлаб қолади. Агар ёлғиз қолса, бечора қизга ит кунини кўрсатади, дўппослайди, қўлларини чимшиб олади. Бир куни Адиба момо шу ишнинг устидан чиқди.

– Бу норасида гўдакни нега урасиз? – дега келинининг қўлидан набирасини тортиб олиб, бағрига босди. Ўғли ишдан келганда бўлган воқеани сўзлаб берди. Аммо ўғли хотини ҳеч қаочон бундай иш қилмаслигини айтди. Шу воқеаларни эслар экан, ҳозиргина ўғли билан келган меҳмон момонинг хаёлларини бузди.

Хола-жиян анча сўрашиб, самимий сухбатлашдилар.

– Жиян, шу гўдаккинага ачинаман. Ойжамол яхшими, уни кўрасанми, ҳаёти қандай келининг? Умрим қанча қолгани Ўзига аён. Менга бирор кор-ҳол бўлса, сенга биргина васиятим шуки, бу қизни онасига бер, яшириб бўлса ҳам олиб кет, – онахон шу сўзларни айти олди, холос.

Момонинг нафас олиши қийинлашди, барча фарзандлари, қариндошлар келди. Зулхумор момосининг кучогида ширин уйқуда. Тонгга яқин момо мангу уйқуга кетди. Холасининг маъракаларини ўтказиб, қишлоғига қайтмоқчи бўлган жиян Зулхуморни ёнига чақириди:

– Онангнинг ёнига бора-санми, борсанг, катта кўчада,

дараҳт панасида мени кут, сени онангнинг ёнига олиб бораман.

Сўнг отини эгарлаб, қариндошлар билан хайрлашди. Уйдан узоклашиб, катта кўчага чиқмай, чинор панасида яшириниб турган Зулхуморни тезда хуржунига солди-ю, отни чоптириб кетди. Ҳаво иссик, хуржуннинг ичидага терлаб кетган Зулхумор толиқкан овозда сув сўради, узатилган мешдан маза қилиб сув ичиб, секин атрофга қаради, бирор инсон кўринмайди. Узок-узокларда қўй-қўзиларнинг маъраши, эчки бўйнига осилган қўнғирок овози узилиб-узилиб қелади, холос. Зулхуморни йўл толиқтирдими ё иссик элтдими, ухлаб қолди. Отнинг кишинашидан уйғониб, кўзини очди, қуёш аста-секинлик билан уфқа сингиб борарди.

– Амаки, келдикми? – сабри чидамай сўради.

– Ҳа, жиян, келдик, ҳозир онанг билан кўришасан.

– Кейин мени отамга қайтиб олиб борманг, илтимос, дега ялинди йиғлаб.

– Йиғлама, жиян, онанг билан қоласан. Ана, онангнинг уйига ҳам келдик, – жиянини оҳиста отдан тушириди.

Дарвозани тақиллатгач, ичкаридан 13-14 ёшлардаги қорамагиз, оёқ яланг бир бола эшикни очди. Бола меҳмон келди деб ўйлаб, уларни сўрига таклиф қилди. Сигир соғиб келаётган Ойжамол сўрининг ёнига келган заҳоти қизи Зулхуморни таниди, қўлидаги соғилган сутни болакайнинг қўлига тутқазиб, қизини бағрига босди, соғинч кўз ёшлари қизгинанинг юзларини ювди.

– Она қизим, жоним қизим, мен сенинг онангман, дега йиғлади.

– Онажон, сизни соғиндим, нега мени қўргани бормадингиз, сизни тушларимда кўраман, лекин юзингизни ҳеч кўролмадим, – волидасини қуҷоқлаб, қўнгли тўлди.

Ҳовли четида устунга суюниб, она ва қизинг соғинчли, ҳаяжонли учрашувидан таъсиrlаниб, кўзидан оқаётган шашқатор ёшларни рўмолчага артаркан, Бурхон ака уларга меҳр билан боқиб, ёнларига борди. Ойжамол эрини кўриб: «Дадаси, қаранг, қизимиз келди», дедиу хаёлидан «Қизимни қабул қиласмикан?» деган ўйтди.

– Қани, она қизим, кела қол, хуш келибсан уйингга, – деб бағрини очди ва уни қучиб, пешанасидан ўпди Бурхон ака. Қосимжон билан ҳам самимий сўрашиб, – қизимизни олиб келиб, кемтик юракларни меҳрга тўлдиридингиз, раҳмат! Бу яхши лигингизни унумтаймиз.

Зулхуморнинг баҳтли болалиги бошланди. Амма-холалари билан сирдош дугона бўлишга ҳам улгурди.

Адиба момонинг маъракаси тугади, меҳмонлар аста-секин уйларига тарқалди. Шу орада Абдулла қизини йўқлай бошлади. Хотинидан сўради.

– Ҳозир шу ерда юрганди, хавотир олманг, келади шу арзандангиз, – деб уйга кириб кетди. Тоғаси Абдуллани ёнига чақириди.


– Жиян, мен опамнинг васиятини бажариб, қизингни онасига Қосимжондан бериб юбордим, қизингни қийнама. Она меҳрига тўйиб яшасин, сен эртадан кечгача ишдасан, хотинингнинг муносабатини биласан.

– Қизимни ўгай ота қўлига топшираманми? Ҳеч қаочон, ҳозироқ бориб олиб келаман, деб ўрнидан турган эди тоғаси изн бермади.

– Хотин устига хотин олдинг, энди бунга ким айбдор, жиян, ўйлаб иш қилиш керак эди. Гулдай хотинингдан ва ширин қизингдан айрилдинг, айб ўзингда, қизинг онаси билан қолади, гап тамом, – сўзига қаттий яқун ясади тоға.

Зулхумор тенгдошлари қатори мактабга борди. Унинг деярли бўш вақти бўлмас, укаларига қарап, кирларни ювар, пахтазорга бориб, молларга ўт териб келар, онасидек тиним билмай, меҳнат қиласи эди. Кунлар шу тарзда ўтиб, мактабни ҳам тутгатди. Онаси қизини ёнига ўтқизиб, уни турмушга бермоқчилиги, куёв бола ўгай отанинг укаси эканини айтди. Қодирқул жуда меҳнаткаш йигит бўлгани учун уни қишлоқ аҳли яхши кўрарди. Болаликдан қийналиб, етимлиқда ўсгани учунми, Зулхумор унга турмушга чиқиша рози бўлди.

Қодирқулнинг ўз кўли билан кўтарилиган баҳт қасрига Зулхумор ойдай келин бўлиб борди. Тонгга қадар ёр-ёр, яллалар, аёлларнинг ўланлари янгради.



Poytaxtimizdag'i "Yunusobod" sport majmuasi mezbonlik qilgan dzyudo bo'yicha Toshkent "Katta Dubulg'a" turniri nihoyasiga yetdi. "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'ynilariga muhim reyting ochkolari taqdim etuvchi ushbu musobaqada Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM)

vakillari ham o'rin olgan

O'zbekiston milliy terma jamoasi munosib qatnashdi va 8 nafari sovrindor bo'lib, umumjamoa hisobida 2-o'rinni egalladi.



"KATTA DUBULG'A"



2021-yili nafaqat O'zbekistonda, balki Markaziy Osiyo mintaqasida ilk marotaba dzyudo bo'yicha "Katta Dubulg'a" xalqaro turniri o'tkazilgandi. Unda dunyoning 71 davlatidan 500 nafarga yaqin yetakchi dzyudochilar qatnashib, medallar hamda Tokio Olimpiadasi yo'llanmasi yo'lidagi qimmatli reyting ochkolari uchun o'zaro babsa olib borishgandi. Endilikda Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) tasnidagi "Katta Dubulg'a" turnirlaridan biriga aylanib, ikki yilda bir marta o'tkazilishi an'anaviy tus olayotgan mazkur musobaqaga yurtimiz ikkinchi marta mezbonlik qildi. Dunyoning 49 mamlakatidan tashrif buyurgan 360 nafardan ortiq dzyudo yulduzlar o'rtasidagi bahslar 3–5-mart kunlari poytaxtimizdag'i "Yunusobod" sport majmuasida o'tkazildi.

"Katta Dubulg'a" turnirining muhim ahamiyati shunda ediki, bahslar davomida 1-o'rinni qo'lga kiritgan sportchi "Parij – 2024" Olimpiya o'ynilar yo'lida 1000, 2-o'rinni sohibi 700, 3-o'rinni egasi 500 ochko jamg'arishga muvaffaq bo'lardi. Boz ustiga, musobaqa mukofot jamg'armasi 154 ming yevro etib belgilangan bo'lib, g'olib va sovrindorlar medal hamda sertifikat qatorni ma'lum miqdordagi pul mukofoti bilan ham taqdirlanardi. Shu bois dunyoning aksariyati yetakchi dzyudochilar yurtimizga yetib kelishi va "Yunusobod" sport majmuasida kechgan qiziqarli bellashuvlar bir qator xalqaro telekanallar hamda internet tarmoqlari, rasmiy veb-saytlar orqali jahonning yuzdan ziyod davlatlarda namoyish etildi.

Mazkur turnirda bevosita ishtirok etish uchun Xalqaro dzyudo federatsiyasi prezidenti Marius Vizer ham yurtimizga keldi. "Katta Dubulg'a" turnirining ikkinchi kungi bahslari jarayonida Marius Vizer va yurtimiz dzyudo sportiga mutasaddilar, keng jamoatchilik vakillari, 49 ta davlat terma jamoalari ishtirokida "Katta Dubulg'a" turnirining tantanali ochilish marosimi o'tkazildi. Yurtimizda qisqa fursatda Olimpiya tizimidagi xalqaro musobaqalar o'tkazilishi yo'lga qo'yilganligi, yuzlab sportchilarimiz xalqaro maydonda zafar chayotganligi, hududlarda iqtidorli yoshlarni saralash tizimi samarali kechayotganligi va bunday sa'y-harakatlar sabab yutuqlar salmog'i ortib borayotganligi so'zga chiqqanlar tomonidan e'tirof etildi.

Uch kun davom etgan musobaqa davomida 196 nafar erkak va 176 nafar ayol dzyudochi 14 ta vazn toifasida



2-MARTA YURTIMIZDA

o'zaro bellashishdi. Ilias Iliadis bosh murabbiyligidagi polvonlarimizning 8 nafari sovrindorlar safidan joy oldi. Umumjamoa hisobida O'zbekiston terma jamoasi a'zolari 3 ta oltin, bitta kumush va 4 ta bronza, jami 8 ta medalni qo'lga kiritib, Yaponiyadan so'ng musobaqada 2-o'rinni egalladi. Qayd etish joiz, bu yurtimiz terma jamoasi uchun "Katta Dubulg'a" turnirlarida medallar soni bo'yicha erishilgan eng yuqori natijadir! Zero, dzyudochilarimiz tomonidan "Katta Dubulg'a" turnirlaridagi bunday yuqori samaradorlik 11 yil oldin Moskvada qayd etilgan, ya'ni polvonlarimiz 3 ta oltin, 2 ta kumush, bitta bronza, jami 6 ta medal jamg'arishga muvaffaq bo'lishgandi. Ushbu natija ikki yil oldin poytaxtimizda ilk bor o'tkazilgan "Katta Dubulg'a"da takrorlangandi – 2 ta kumush va 4 ta bronza medali. Qizig'i, 2021-yilgi xalqaro turnirda ham vakillarimiz umumjamoa hisobida Yaponiya terma jamoasidan so'ng 2-o'rindan joy olgandi.

Yurtimiz dzyudochilarining joriy yilgi Toshkent "Katta Dubulg'a"da erishgan muvaffaqiyatiga Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakillari ham katta ulush qo'shishdi. Bosh qahramon ayni paytda -90 kg toifasida IJF reytingida peshqadamlik qilib turgan jahon championi Davlat Bobonov bo'ldi. To'g'risi, salomatligida kichik muammo borligi sabab bundan oldin o'tkazilgan Parij "Katta Dubulg'a"da MVSM a'zosi qatnashmagan va shu bois mulxislар uning Toshkentda yuqori natija qayd etishidan biroz xavotirlanishgandi. Armiyamiz polvonni bu xavotirlarni ajoyib mahoratlari bilan chetga surdi – barcha raqiblarini mag'lub etdi. U final bahsida yaponiyalik Sanshiro Miraoni sof mag'lubiyatga uchratdi va faoliyatida ikkinchi bor "Katta Dubulg'a" turnirlaridagi oltin medalga sazovor bo'ldi.

MVSM a'zosi Gulnoza Matniyazova (-70 kg) ham Toshkent

"Katta Dubulg'a"da sovrindorlar safidan joy oldi. Bronza medali uchun ukrainalik Nataliya Chistyakovaga qarshi bellashuvda Gulnoza mag'lubiyatga uchrayotgan bir holatda harbiycha karakter namoyish etdi – babs yakuniga 4 soniya qolganida g'alabani ilib ketdi. Barakalla!

Mahoratlari dzyudochilarimiz Murodjon Yo'idoshev (-73 kg) va Alisher Yusupov (+100 kg) Toshkent "Katta Dubulg'a"sinining oltin medalini qo'lga kiritdi. Yo'idoshevning Evropa va Osiyo championlarini dog'da qoldirishi, Yusupovning boy tajribaga ega yaponiyalik Saitoni mag'lub etishi, tatamida yangicha uslublarda harakatlanishi turnirga o'zgacha joziba bag'ishladi. Shuningdek, hamyurtlarimizdan Sardor Nurillayev (-66 kg) xalqaro turnirning kumush, Doston Ro'ziyev (-60 kg), Muhriddin Tilov (-66 kg) va Muso Sobirov (-81 kg) bronza medalini qo'lga kiritishdi.

Toshkent "Katta Dubulg'a" xalqaro turnirida sovrindor bo'lgan yurtimiz dzyudochilarini:

OLTIN MEDAL SOHIBLARI:

- 73 kg: Murodjon Yo'idoshev
- 90 kg: Davlat Bobonov (MVSM)
- +100 kg: Alisher Yusupov

KUMUSH MEDAL SOHIBLARI:

- 66 kg: Sardor Nurillayev

BRONZA MEDAL SOHIBLARI:

- 60 kg: Doston Ro'ziyev
- 66 kg: Muhriddin Tilov
- 81 kg: Muso Sobirov
- 70 kg: Gulnoza Matniyazova (MVSM)

Uch kun davom etgan bahslarda sovrinli o'rinalar 22 ta terma jamoasi a'zolari o'tasida taqsimlandi. Toshkent tatamilarida 12 nafar dzyudochi ilk bor "Katta Dubulg'a" medaliga sazovor bo'ldi. Umumjamoa hisobida Yaponiya termasi 4 ta oltin, 3 ta kumush va 2 ta bronza medallari bilan 1-o'rinni egalladi. Bitta oltin, 2 ta kumush medalni qo'lga kiritgan Avstriya terma jamoasi kuchli uchlikka yakun yasadi.

Xalqaro dzyudo federatsiyasi taqvimidan o'rinni o'rgan navbatdag'i turnir Gruziyada bo'lib o'tadi. 24–26-mart kunlari dunyo dzyudosini yetakchilarini Tbilisi "Katta Dubulg'a" turnirida jam bo'lishadi.

SHOHSUPA

(xabarlar)




VELOSPORT

Osiyo kubogi bahslarida bronza medalga sazovor bo'lgan Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakili Danil Yevdokimov Turkiyaning Alaniya hududida o'tgan velosport bo'yicha "GP ALANYA CUP" xalqaro turnirida ham 3-o'rinni egalladi. Mazkur musobaqada O'zbekiston terma jamoasi a'zosi Mohinabonu Elmurodova qatnashdi va u ham bronza medalni qo'lga kiritdi. Yurtimiz sportchilari "Parij – 2024" Olimpiadasi yo'lida 25 tadan reyting ochkosiga ham ega bo'lishdi.

SPORT GIMNASTIKASI

O'zbekiston shahrida o'stirilgan gimnastikasining afsonasi Oksana Chusovitina Doxa shahrida o'tgan sport gimnastikasi bo'yicha Jahon kubogining ikkinchi bosqichida shohsupaga ko'tarildi. 47 yoshli sportchimiz musobaqaning tayanib sakrash dasturida 12.916 ball natija bilan bronza medaliga sazovor bo'ldi. Chusovitaning shu yoshda jahon gimnastikasida olamshumul natija qayd etayotgani mutaxassislar tomonidan jasorat timsoli sifatida talqin etilmoqda.



BOKS

Angliyaning Nyukasl shahrida kechgan professional boks oqshomida yarim yengil vazn toifasidagi charm qo'lqop ustamiz Otabek Xolmatov angliyalik Tomas Patrik Uordga qarshi ringga ko'tarildi. 12 raundga mo'ljalangan jang 5-raundda to'xtatildi – Otabek raqibini nokautga uchratdi va professional boksdagi o'zining 12-g'alabasini tantana qildi. Meksikada tashkil etilgan professional boks kechasi esa yarim og'ir vazn toifasidagi hamyurtimiz Dilshodbek Ro'zmetov mezbonlar vakili Xesus Palomaresga qarshi ringga chiqdi. 6 raundlik babs to'liq davom etdi va hakamlar qaror bilan ochkolar hisobida hamyurtimiz g'alaba qozonganligi e'lon qilindi.


BADIY GIMNASTIKA

Germaniyada badiy gimnastika bo'yicha mavsumning ilk musobaqasi – "FELLBACH-SCHMIDEN – 2023" xalqaro turniri bo'lib o'tdi. O'zbekiston terma jamoasi a'zolari 2 ta oltin, bitta kumush va 3 ta bronza medallarni qo'lga kiritishdi. Bosh qahramon Taxmina Ikromova bo'ldi. Hamyurtimiz ko'pkurash va halqa bahslarida Germaniya va Isroiil vakillarini dog'da qoldirgan bo'lsa, bulava bahsida 2-o'rinni, tasma, to'p hamda guruh yo'nalishlarida 3-o'rinni egalladi.



OT SPORTI

O'zbekiston terma jamoasi a'zosi Abdurahmon Abdullayev BAAning Abu-Dabi shahrida o'tkazilgan konkur musobaqasining saralash bahslarida 38 nafar mohir chavandozlar bilan bahslashib, 12 nafar sportchi qatorida asosiy turnirda qatnashish huquqiga ega bo'ldi. Shundan so'ng u "Quintair" laqabli otda turnirning 145 sm balandlikdagi to'siqlardan sakrash bahslarida qatnashib, 3-o'rinni egalladi.



SHAXMAT

Xalqaro shaxmat federatsiyasi Niderlandiya va Germaniyada o'tkazilgan "Tata Steel Masters" hamda "WR Chess Masters" turnirlarida erishgan natijalariga ko'ra, shaxmatchilarning yangi reytingini e'lon qildi. Hamyurtimiz Nodirbek Abdusattorov 22,28 ochko bilan 89 nafar kuchlilar orasida 4-o'rinni, Javohir Sindorov esa 12-qatorda qayd etilgan. Reytingda AQSh vakili Uesli So 30,80 ochko bilan yetakchilik qilmoqda.

Баҳор фаслини одатда, аёлга қиёслашади. Балки бунга об-ҳавонинг айнан шу фаслда ўзгарувчанлиги асос қилиб олингандир.

Эҳтимол, баҳорнинг уйғониши гўзалликка ошуфта кўнгилларга таскин беришидадир. Нима бўлганда ҳам, қаҳратон қишининг қаҳридан илиқлик ва нафосатга қадам қўйишнинг илк ойи бўлган мартнинг 8 санасида Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланади. Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан ҳам ҳар йили қўшинларда фаолият юритаётган ҳарбий аёлларни бир гўшага йигиф, уларнинг дўстона бирдамлигини ошириш ва соғлом рақобатни ривожлантириш мақсадида спартакиада ўтказилиши анъанага айланган.



MINI-FUTBOL

Ўзбекистон «Veteran» жангчи-фаҳрий ва ногиронлари бирлашмаси ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда чекланган қўшинларнинг

Афғонистон худудидан олиб чиқилганининг 34 йиллигига бағишилаб, фаҳрийлар ўртасида «Бирлашма раиси кубоги» мини-футбол мусобақасининг финал учрашуви бўлиб ўтди.

КУЧЛИ, ЖАСОРАТЛИ, МАТОНАТЛИ

Бу галги нозик хилқат ваки-мусобақаси ҳам муросасиз баҳсларга бой бўлди. Ушбу спартакиадани баҳолаб бориш ҳакамларга осон бўлмади. Йилдан йилга тажрибаси ортиб бораётган ҳарбий аёллар ўз ҳарбий округлари, қўмондононклари, билим юртлари ва ҳарбий қисмлари шаъни учун бор куч-гайратларини аямади.

Мусобақада ғолиб ва мағлублар бўлиши табиий. Ўтган 4 кун давомида спортнинг 9 тури бўйича ўтказилган мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академиясида бўлиб ўтган тақдирлаш маросими диплом, медаль, кубок ва қимматбаҳо совфаларга бой бўлди.

Арқон тортиш мусобақаси Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари жамоаси устунлигида якунланди. Иккинчи ўрин Мудофаа вазирлиги марказий алоқа узели жамоасига насиб этган бўлса, учинчи ўринни Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбий аёллари банд этишиди.

Эстафетада эса биринчи ўрин Махсус авария-тиклиш бошқармаси жамоасига, иккинчи ўрин Тошкент ҳарбий округи жамоасига, учинчи ўрин эса Мудофаа вазирлиги марказий алоқа узели жамоасига насиб этди.

Дартс ўйналиши бўйича яккалик тартибида ғолиблар аниқланди. Унга кўра, биринчи ўринни III даражали сержант Альфия Уфимская, иккинчи ўринни кичик сержант Мухтасам Ақмалова, учинчи ўринни II даражали сержант Тамара Тажимуратова кўлга киритди.

Армрестлингда доимидек, кичик сержант Шоҳида Гаппарова биринчиликни ҳеч кимга бермади. Кичик сержант Дилнавоз Шерку-

лова иккинчи, контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Мавруда Раҳимова эса учинчи ўринни эгаллади.

Бешинчи шартда спартакиада иштирокчилари бадминтон ўйнади. Унда I даражали сержант Барно Ирматова биринчи, сержант Татьяна Гарашенко иккинчи, катта сержант Елена Сливкина учинчи ўринни эгаллади.

Ўқ отиш ўйналишида «АҚ-1» автоматидан 100 метр масофадаги нишон мўлжалга олинди. Унда кичик сержант Ирода Олимова етакчилик қилган бўлса, иккинчи ўринни кичик сержант Муҳаббат Ярмалова ва учинчи ўринни Зебинисо Валихонова банд қилди.

Стол тениси мусобақасида катта сержант Ёрқиной Муродова яққол устунлик қилди. Иккинчи ўринни II даражали сержант Феруза Исмоилова банд этган бўлса, учинчи ўринни кичик сержант Азиза Хабибова кўлга киритди.

Сузиши шартида кичик сержант Ҳаётхон Абдуманонпова 50 метрлик масофани яққол устунлик билан забт этди. Иккинчи ўринни кичик сержант Евгения Стратулат, учинчи ўринни эса III даражали сержант Светлана Карабаева эгаллади.

Волейбол ўйналишида Мудофаа вазирлиги марказий алоқа узели жамоаси биринчи, Тошкент ҳарбий округи жамоаси иккинчи, Тоифа-ланган обьектларни кўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги жамоаси эса учинчи ўринни кўлга киритди.

Ниҳоят, Мудофаа вазирлиги қўшинларида фаолият юритаётган аёл ҳарбий хизматчилар ўр-



тасидаги 2023 йилда ўтказилган спартакиаданинг бош совринига марказий алоқа узели жамоаси лойиқ қўрилди. Иккинчи ўрин Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари жамоасига насиб этган бўлса, мусобақада иштирок этган 12 та жамоа орасидан учинчи ўрин Тошкент ҳарбий округига насиб этди.

Тақдирлаш маросимида сўзга чиққанлар ғолиб ва совриндорларни табриклиди. Қолаверса, янгиланиш ва яшариш фасли бўлган баҳор ва аёллар байрами билан самимий тилаклар изҳор этилди. Мусобақада қатнашган барча ҳарбий аёлларга гул тақдим этилди. Тақдирлаш сўнгидаги ҳарбий ансамбль хонандалари ижросида баҳор ва аёлни тароннум этувчи куй ҳамда қўшиқлар янгради.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

КУРОПДОШ ДЎСТЛАРНИ ДИЙДОРЛАШТИРГАН МУСОБАҚА

Унда ҳамкор ташкилот ва вазирликлар вакиллари, Куролли Кучларимиз ҳамда футболимиз фахри бўлган устоз-мураббийлар иштирок этди. Мусобақа финал босқичида Фарғона, Хоразм, Жиззах ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари баҳс олиб борди.

Мусобақанинг якуний натижаси қўйидагича кўриниш олди:

3-ўрин: Тошкент шаҳри;
2-ўрин: Жиззах вилояти;
1-ўрин: Фарғона вилояти.



Шунингдек, тадбир якунида Ўзбекистон «Veteran» жангчи-фаҳрий ва ногиронлари бирлашмаси раиси Талъат Муродов фаҳрийлар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказишида ҳамда фаҳрийларимизни спортга

жалб этган ҳолда ёшларни Ватанга содик, мард ўғлон этиб тарбиялашдаги доимий фаоллиги учун ҳамкор ташкилотчиларни мукофотлади.

Ш. ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»

Bugungi kunda dunyoning aksariyat davlatlarida o'qitib kelinayotgan ingliz tili ko'p mamlakatlarda birinchi va ikkinchi til sifatida qo'llaniladi.

XORIJYI TILLARNI NECHA YOSHDAN O'RGANGAN MA'QUL?

Bola aqlini tanib, so'zlashni boshlar ekan, uning tilga bo'lgan ehtiyoji o'z-o'zidan namoyon bo'la boshlaydi. Bola taxminan 5-6 yoshdan boshlab xorijiy tillarni o'rgangani ma'qul. Chunki bu yosha qiziqish va xohish kuchliroq bo'ladi. Bu yosha bolaga nima o'rgatilsa, shuni qabul qiladi va ayta oladi. 5 yosha bolaning so'z boyligi 2 500-3 000 ga yetadi. Tildagi barcha harflarni bemalol ayta oladi. Qiyin iboralarni qo'llab, o'z fikrini, istagini ifodalaydi. So'zdagи harflar tartibini almashtirmay gapiradi. Atrof-muhitni so'z bilan baholay olish qobiliyati shakllanadi. Bolaning psixologik holati mabtabga tayyorlanadi. Bu yosha bolaga she'r va yangi so'zlar o'rgatish, ertak hamda inglizcha multfilmilar ko'satish maqsadga muvofiq. Chunki bola bu vaqtida ko'rgan narsa va voqealarni tez o'rganadi, esda saqlab qoladi. Bundan tashqari, dunyo olimlari 10 yoshgacha bo'lgan davorda bola chet tilni oson o'zlashtirishi bo'yicha yakdil fikr bildirishgan. Bu davorda bola tillarni tushunib emas, balki mexanik tarzda o'rganadi.

BOLANING TAYYORLIGI

Har qanday bola alohida shaxs hisoblanadi, tabiiyki, ulardagi rivojlanish bosqichlari ham bir-biridan farq qiladi. Psixoglarning fikricha, bolani erta yoshdan gapireshga majbur qilish yoki uni tengdoshlariga qiyoslab rivojlantirishga harakat qilish, ko'p hollarda aks ta'sirini beradi. Bog'cha va kichik maktab yoshidagi bolalarga chet tilni o'rgatishda psixologik-pedagogik xususiyatlarini, ya'ni ularning qiziquvchanliklarini va serhafsalaliklarini inobatga olish lozim. Shuningdek, bolalar uzoq muddat davomida o'z diqqatlarini bir turdag'i faoliyatga qarata olmasliklarini yodda tutish zarur. Ota-onasi o'z farzandining har tomonlama yetuk bo'lishini istaydi va ko'p hollarda bolaning psixologik hamda fiziologik tayyorligini hisobga olmasdan, unga turli fanlardan yuklamalar berishga, til o'rgatishga yoki sport mashg'ulotlariga jaib qilishga harakat qiladi. Aksar holatlarda ota-onalar kutilgan natijaga erisha olmagach, bolaga tanbeh berish yoki tengdoshlariga qiyoslash orqali unga ta'sir o'tkazadi. Ammo bu ikki urinish bolaning o'rganishga bo'lgan rag'batini susaytiradi va atrofdagi narsalarga qiziqishining so'nishiga sababchi bo'ladi. Bunday ko'ngilsiz holatlarning oldini olishda ota-onasi va tarbiyachilarning roli beqiyosdir.

Bolani erkin fikrlashga o'rgatish, undagi qiziquvchanlikni kuchaytirish, uning tasavvurini boyitish, ijodkorligini yuzaga chiqarishning eng oson va maqbul yo'lli o'yni lardir. Bolalar o'ynaganda o'z g'oyalarini amaliyotga tattiq

qiladilar, farazlarini sinovdan o'tkazadilar, zarur ko'nikmalarini egallaydilar, tasavvurlaridan foydalanib, o'z dunyolarini kashf etishadi.

O'YINLARNING AHAMIYATI

Bola tabiatan juda qiziquvchan bo'ladi va u atrof-olamni o'rganish uchun barcha his-tuyg'ularini ishga soladi. O'yinlar bolaning eng asosiy va sevimli mashg'uloti bo'lganligi boisunga atrof-olam hamda undagi barcha zarur bilim va ko'nikmalar o'zin vositasida tanishtirib borilsa, o'zlashtirish samaradorligi bir necha barobarga oshadi. O'zin bolaning nafaqat jismoniy faoliyigini



oshiradi, uning ruhiy tetikligini ham shakllantirishga yordam beradi. O'zin bolaning o'ziga bo'lgan ishonchini mustahkamlash, atrofdagilar bilan ijtimoiy munosabatlarni shakllantirishda katta ko'mak beradi. Shu sababli ota-ona, tarbiyachi va murabbiylar bolalarga imkon qadar ko'proq o'zin orqali o'rganishni targ'ib qilishlari kerak. Aynan o'zin orqali bolalar, o'z iqtidorlarini kashf etadi. Bunga erishish uchun sezgi organlarini faollashtiruvchi muhitni, jumladan, vizual, eshitish, kinestetik kabi faol ta'limga turlardan foydalanish maqsadga muvofiq.

Talimiy o'yinlar musiqa asboblarini chalish, qo'shiqlar kuylash, she'r aytish, raqsga tushish, videolar tomosha qilish, qo'l mehnati vositasida turli buyumlar yasashni o'z ichiga oladi. Rangli ko'rgazmalar, musobaqlar, shakllar yasash kabi o'yinlar bolalarning jismoniy va aqli faoliyatini rivojlantiruvchi eng qiziqlarini usullardan birdir. Bola bu mashg'ulotlar orqali o'zida turli ko'nikmalar hosil qiladi, masalan, fikrlash, bahslashish, gapiresh va tinglash. Shuningdek, bu yosha bolalar til o'rganishga bo'lgan iqtidorlarini shu o'yinlar orqali ko'rsata oladilar va qiziqishlari yanada ortib boradi.

BOLALAR HAM O'YNAYDILAR, HAM RIVOJLANADILAR, HAM O'RGANADILAR

Bolalarni muloqot qilishga rag'batlaniruvchi vaziyatlar va faoliyatlariga jaib qilish til ko'nikmalarini o'zlashtirish uchun

CHET TILLARNI O'QITISH XUSUSIYATLARI



juda muhim omil hisoblanadi. Faoliyat maqsadini ingliz tilini o'rgatish bo'lsa-da, ushbu mashg'ulotlarga bolalar beixtiyor kirishib ketishi va xorijiy tilni ona tili kabi tabiiy tarzda o'zlashtirib borishi alohida e'tiborga molik. Yosh bolalarning til o'rganishi uchun qiziqlari va rag'batlaniruvchi turli vaziyatlarni hosil qilish va bolalarning unda faol ishtirok etishlarini ta'minlash muhim ahamiyatga ega. Ushbu faoliyat ravon va tushunarli tarzda ingliz tilida olib borilishi maqsadga muvofiq. Albatta, murabbiyning harakati, imo-ishorasi, ingliz tilidagi ravon nutqi va gapiresh ohangi, bolani o'ziga jaib qila olishi til o'rgatishdagi eng birinchi va asosiy masalalardan hisoblanadi.

Xususan, til o'rgatuvchi murabbiylarning "Playing with blocks or legos" (bloklar yoki lego vositalari bilan o'ynash), "Dressing" (turli ertak qahramonlari kiyimlarini kiyish), "Animals and their sounds" (hayvonot olami va ularning tovushlari bilan tanishish), "Crafts" (qo'l mehnati yordamida turli narsalar yasash), sing a song (qo'shiq kuylash) kabi ta'limiylar faoliyat turlardan foydalanishi yosh bolalarda til o'rganish ko'nikmalarini shakllantirishdagi maqbul usullardandir. Bu orqali bolalarning so'z boyligini, tasavvurini, ijodiy fikrlashini kengaytirish va rivojlantirib borish imkoniga ega bo'lamiz.

Ingliz tilida shakllar, ranglar va raqamlar haqida tushuncha berishda bloklar, kubiklar va lego o'ynchoqlaridan foydalanish bolani fikrlashga undaydi va biror ish qilishda uning ijodiy

qobiliyatini yuzaga chiqaradi. Bu o'yinlar vositasida uning ingliz tilida lug'at boyligini oshirish imkoniyatini paydo bo'ladi. Ertak qahramonlarining obrazlari bolalarga tanishtirilayotganda ularning kiyimlarini kiyib rol ijro etish ingliz tilida olib boriladi hamda bu faoliyat yordamida bolaning so'z boyligi ortadi, tasavvuri, dunyoqarashi kengayadi. Ushbu ta'lim faoliyati orqali bolalar inson tana a'zolariga hamda kiyim-kechakka oid so'zlarni o'rganadi va amaliyotda qo'llash imkoniga ega bo'ladi.

Shuningdek, bolalar ertak qahramonlarini o'z tasavvurida jonlantiradilar, obrazga kirishadi hamda asosiy so'z va iboralarni qo'llashni o'rganadi. Bu ingliz tilidagi so'zlarni tinglab tushunish va yod olingan so'zlardan jumlalar tuzish orqali gapirish mahorati rivojlanishiga xizmat qiladi. Bolalar hayvonlar ishtirok etgan turli qissa va hikoyalarni ham jon qulog'i bilan tinglaydi. Hayvonlarning rangli suratlari tasvirlangan rasmlar orqali ingliz tilida hayvonlar va ularning harakatlari, tovushlari haqida o'rganish bolalar uchun zavqli mashg'ulot hisoblanadi. Bolalarning ingliz tilida hayvon va hasharot nomlarini o'rganishi hamda murabbiy bilan birga ularning harakatlariiga taqildi qilishi bolaga olam-olam zavq bag'ishlaydi.

Qo'l mehnati orqali bolalarga rang-barang narsalar yasash o'rgatilganda bolaning ijodkorlik qobiliyati rivojlanadi va bu faoliyat ingliz tilida olib borilganda lug'at boyligi oshadi. Bog'chada qo'g'oz

parchalaridan shakllar yasash, bo'yoqlar yordamida shakllarga rang berish yoki plastilindan turli narsalar yasash mumkin. Har qanday jarayon so'z va iboralardan xoli bo'imasligi kerak. Har bir vosita va ashyo nomi bolalarga ingliz tilida yetkazilishi kerak. Bolalar yoshlikdan qo'shiq kuylashga moyil bo'ladi. Qo'shiq kuylash vositasida bolalar o'rganigan yangi so'zlarni ohingga solib aytishni o'rgatadi.

Bolalarning maktabda qanday o'qishi, yuksak maqsadlar bilan kamol topishi ko'p jihatdan oila muhiti, mahallaning e'tibori hamda mabtagacha ta'lim tashkilotidagi tarbiyaga bog'liq. Bolalarning ilk yosha o'rganigan bilimi ajodolarimiz aytganidek, "toshga bitilishi" bejiz emas. Shu nuqtayi nazardan kelib chiqqan holda, xorijiy tillarni ham bolalarga erta yosha o'rgatish til ko'nikma va malakasini oson o'zlashtirishiga sabab bo'ladi. Ayniqsa, ushbu bilim, ko'nikma, malakalar turli o'zin vaziyatida faoliyat orqali singdirib borilsa, bola xorijiy tillarni o'z ona tili kabi o'zlashtiradi. Kichik yosha o'rgatishda shakllar qobiliyati fikrlashga undaydi va biror ish qilishda uning ijodiy

Nargiz ORTIQOVA,
Chirchiq davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi,
Zuhra ABDUVOSIYEVA,
talaba

18 TA MUROJAAT YECHIM TOPDI

Namangan harbiy prokururasi tomonidan Yangi Namangan tumanida joylashgan chaqiriluvchilarni texnika mutaxassisligi bo'yicha tayyorlash markazi binosida ommaviy sayyor qabul hamda mehnat yarmarkasi o'tkazildi.

Sayyor qabulda tumandagi tashkilot va idoralardan tegishli soha mutaxassislari jalb qilinib, Milliy gvardiya va IIvg'a qarashli harbiy qismilar, tuman favqulodda vaziyatlari, qo'riqlash va mudofaa ishlari bo'limlarda xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilar, Qurolli Kuchlar xizmatchilari, ularning oila a'zolari hamda harbiy pensionerlar va boshqa fuqarolar ishtirok etdi.

Qabulda ishga joylashish, imtiyozli uy-joyga ega bo'lish, muddatli ipoteka krediti asosida olingan turarjoy uchun to'langan pul mablag'larining soliq solinmaydigan qismini qaytarish hamda tadbirkorlik faoliyatini yo'iga qo'yish, kommunal va boshqa masalalarda jami 18 ta murojaat qabul qilinib, shundan 11 ta murojaat joyida



qanoatlantrildi, 3 ta murojaat bo'yicha huquqiy tushuntirish berildi va 4 tasi tegishli tashkilotlarga yuborildi.

Namangan viloyati kambag'allikni qisqartirish va bandlik bosh boshqarmasi bilan hamkorlikda bo'sh ish o'rinnari

mehnat yarmarkasi o'tkazilib, unda 42 ta korxona va tashkilot o'zining 790 ta bo'sh ish o'rni bilan qatnashdi.

Tadbirda ishtirok etgan fuqarolardan 16 nafarining doimiy bandligi ta'minlandi, 32 nafar fuqaroga turli korxona

va tashkilotlarga yo'llanmalar berildi, 49 nafariga huquqiy maslahatlar berildi.

Adliya kapitani Qurbondurdi POLVONNAZIROV, Namangan harbiy prokurorining yordamchisi

✓ MA'NAVİYAT

ARMIYA PROKURORI KUNI

Nukus harbiy prokururasi tomonidan garnizon madaniyat va ma'rifat markazi binosida Armiya prokurori kuni tadbiti o'tkazildi.



Tadbirda Nukus harbiy prokurori tomonidan harbiy xizmatchilarga Qurolli Kuchlarda so'nggi yillarda barcha yo'naliishlarda olib borilayotgan islohotlar, yangilanishlar, harbiy xizmatchilar va oila a'zolarining ijtimoiy himoyasi masalalari, yangi qabul qilingan qonun hujjatlari bo'yicha tushuntirishlar berilib, ular tomonidan berilgan savollarga javob berildi.

Tadbir doirasida muddatli harbiy xizmatchilar o'ttasida "Zakovat" intellektual o'yini o'tkazilib, g'olib jamoalarga diplom va ajodolar jasoratini aks ettiruvchi badiiy kitoblar topshirildi.

Shuningdek, okrug hududida tashkil qilingan Amir Temur sinfiga "Temur tuzuklari" asarining mazmun-mohiyati yuzasidan dars o'tkazildi hamda ajodolar qahramonligi aks ettirilgan okrug muzeysiaga tashrif buyurildi.

Adliya mayorasi Purxonaddin AKIMNIYAZOV, Nukus harbiy prokurorining yordamchisi

✓ AYYOM SHUKUHI

YOSHLAR SAYLI

Toshkent harbiy prokururasi Ohangaron tumani hokimligi bilan hamkorlikda tuman Yoshlar markazi oldida Navro'z bayrami munosabati bilan "Yoshlar sayli" tashkil etildi.



Tadbirda mahalla fuqarolari, maktab o'quvchilari hamda Ohangaron tumanida joylashgan Mudofaa vazirligiga va DXX Chegara qo'shinlariga qarashli harbiy qism harbiy xizmatchilari ishtirok etishdi.

Bayram tadbirini Toshkent harbiy prokurori Akbar Boboyev hamda tuman hokimi Abdurasul Abdullayev kirish so'zi bilan ochib, barchani yaqinlashib kelayotgan Navro'z bayrami bilan qutlab, xalq va armiya – bir tan-u bir jon ekanligini yana bir bor ta'kidlab o'tishdi.

Tadbir doirasida yoshlar orasida sog'iom turmush tarzini targ'ib etish maqsadida tumanda joylashgan maktab o'quvchilari hamda mahalla yoshlari o'ttasida velokross bo'yicha musobaqa tashkil etilib, g'oliblar aniqlandi va ularga esdalik sovg'alar topshirildi.

Shu bilan birga jangovar harbiy texnikalar, qurol-aslahalar, harbiy xizmatchilar tomonidan tayyorlangan qo'l jangi chiqishlari namoyish etildi. Qurolli Kuchlar akademiyasi harbiy orkestr jamoasi tomonidan tayyorlangan konsert dasturi tadbir ishtirokchilari bayramona kayfiyat ulashdi.

Tadbir davomida Yoshlar markazining hovlisida sumalak va bahoriy taomlar tayyorlanib, dasturxoniga tortildi.

Adliya podpolkovnigi Alisher QURBONOV, Toshkent harbiy prokurorining yordamchisi

✓ MASHG'ULOT

BILIM VA KO'NIKMALAR OSHIRILDI

Buxoro harbiy prokururasi tashabbusi bilan prokuror-tergov xodimlari va garnizon hududida joylashgan harbiy qism hamda muassasalarning tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mas'ul shaxslarning faoliyatidagi ko'nikmalarini oshirish maqsadida IIVning tegishli soha mutaxassislari ishtirokida nazariy va amaliy o'quv mashg'uloti o'tkazildi.



Mashg'ulot o'tkazilishi davomida sud-tibby ekspertiza va IIB tegishli ekspertizasining soha mutaxassislari hamda prokuratura, IIBning maxsus avtomashinalari hamda jihozlar yordamida qotillik, nomusga tegish, yo'l-transport hodisalari va boshqa holatlar bilan bog'liq jinoyatga oid ariza, xabar hamda boshqa ma'lumotlar yuzasidan hodisa sodir bo'lgan joyni ko'zdan kechirish va daillarni to'plash, ularni rasmiylashtirilishning protsessual tartibi nazariy hamda amaliy yo'llar bilan o'rgatildi.

Bundan tashqari, o'quv mashg'uloti davomida soha mutaxassislari tomonidan harbiy qism hamda muassasalarning tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mas'ul shaxslariga huquqbazarliklarning sodir etilishi sabablari va shart-sharoitlari, huquq-tartibot hamda harbiy intizomni mustahkamlashning zarur choratadbirlari yuzasidan tegishli tavsiyalar berilib, huquqiy ko'mak ko'rsatildi.

Adliya podpolkovnigi Sobir TEMIROV, Buxoro harbiy prokurorining katta yordamchisi

✓ MEHNAT YARMARKASI

MONOMARKAZDA BANDLIK

Jizzax harbiy prokururasi tashabbusi bilan shaharda joylashgan "Ishga marhamat" monomarkazida harbiy xizmatchilarni ish bilan band bo'lmagan oila a'zolarining bandligini ta'minlash maqsadida mehnat yarmarkasi o'tkazildi.



Unda harbiy xizmatchilarning oila a'zolarini kasb-hunar va tadbirkorlikka o'qitish, ularni doimiy daromad keltiradigan mehnat hamda tadbirkorlik faoliyatiga jalb qilish orqali bandligini ta'minlash maqsadida monomarkaz faoliyati, o'qitish yo'naliishlari tanishtirildi.

Shuningdek, ishtirokchilarning 15 nafariga markazda o'zllari tanlagan yo'naliishlar bo'yicha imtiyozli yo'llanmalar topshirildi. Mehnat yarmarkasida kelib tushgan murojaatlar bo'yicha 18 nafar shaxsning ishga joylashtirilishi ta'minlandi.

Tadbir doirasida Jizzax harbiy prokurori tomonidan ommaviy sayyor qabul o'tkazildi.

Qabul davomida jami 100 nafardan ortiq harbiy xizmatchi, ularning oila a'zolari va fuqarolar ishtirok etib, murojaatlarning 7 tasi joyida ijobji hal qilindi, 18 ta murojaat bo'yicha tegishli soha mutaxassislari tomonidan tushuntirish berildi va qo'shimcha muddat talab qilinadigan 5 ta murojaat nazoratga olinib, tegishli davlat tashkilotlariga yuborildi.

Adliya mayorasi Sardorxo'ja ABROROV, Jizzax harbiy prokurorining yordamchisi

HUQUQIY MASLAHAT

Savol: Harbiy xizmatchi ayollarga farzandi 2 yoshga to‘lganidan keyin, bolani parvarish qilish ta’tiliga chiqqan davrda ularga turarjoyni ijaraga olganlik uchun har oylik pul kompensatsiyasi to‘lanadimi?

Kichik serjant Nargizaxon ABDULLAYEVA



Javob: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2005-yil 25-iyuldagи 169-son qarori bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining harbiy xizmatchilariga turarjoyni ijaraga olganlik (*ijaraga turganlik*) uchun har oylik pul kompensatsiyasi to'lash tartibi to'g'risida"gi nizomning 4-bandiga asosan, birgalikda nikohda bo'lgan harbiy xizmatchilarda (*xotinida, erida*) pul kompensatsiyasi olmasligi haqidagi ma'lumotnomalar bo'lgan taqdirda harbiy xizmatni o'tash joyi bo'yicha ulardan biriga to'lanadi.

Harbiy xizmatchi ayollar bola 2 yoshga to'lgandan keyin, uni parvarish qilish uchun ta'tilga chiqqan taqdirda pul kompensatsiyasi butun ta'til davri uchun to'lanadi, deb ko'rsatilgan.



Savol: Ayol harbiy xizmatchi farzandi kasal bo'lgan taqdirda xizmat majburiyatidan ma'lum bir vaqtga ozod qilinishi mumkinmi?

SHBHX, oddiy askar Xadicha SULAYMONOVA

Javob: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 12-sentabrdagi PQ-4447-son qarori bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining harbiy xizmatni o'tash tartibi to'g'risida"gi nizomning 286-bandiga muvofiq, ayol harbiy xizmatchilar kasal bolani parvarishlash uchun tibbiy muassasaning tegishli hujjatlari bilan tasdiqlangan butun davri uchun maoshi saqlangan holda, O'zbekiston Respublikasi qonunchiligidagi belgilangan muddat va tartibda xizmat majburiyatlarini bajarishdan ozod etiladi.

Savol: Oliy harbiy ta'lim muassasalariga o'qishga kirish uchun qabul qachondan boshlanadi?

Jamshid ISLOMOV
Samargand viloyati



Javob: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 27-dekabrdagi 775-son qarori bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim muassasalarida o'qishga nomzodlarni saralab olish va qabul qilish, kursantlarni o'qishdan chetlashtirish va qayta tiklash tartibi to'g'risida"gi nizomning 16-bandiga asosan, oliy harbiy ta'lim muassasalariga o'qishga kirish uchun arizalar (*bildirigilar*) vilning 1-fevralidan 31-martigacha (*shu kuni ham*) qabul qilinadi.



**Savollarga MV Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti yuridik bo'limi boshlig'i
adliya levteneri Nafisaxon SOLIEVA javob berdi**

MUDOEAAAGA KO'MAKIASHUUVCHI "VATANPARVAR" TASHKIL OTI ABIDA



YOSHLAR MA'NAVİYATINI
YUKSALTIRISH HAMDA ULARNI
HARBIY-VATANPARVARLIK RUHIDA
TARBIYALASH BUGUNGI KUNNING
DOLZARB VAZIFALARIDAN
BIRIDIR. BU BORADA O'ZBEKİSTON
RESPUBLİKASI MUDOFaaSIGA
KO'MAKLASHUVCHI
"VATANPARVAR" TASHKİLOTINING
XORAZM VILOYATI KENGASHI
TASARRUFIDAGI GURLAN
TUMANI O'QUV SPORT-TEXNIKA
KLUBI JAMOASI TOMONIDAN BIR
QANCHА REJALI ISHLAR AMALGA
OSHIRILMOODA.

Xususan, ommaviy kasb xodimlarini tayyorlash, sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish, o'sib kelayotgan yosh avlod ma'naviyatini yuksaltirish borasida amalga oshirilavotgan ishlar shular jumlasidadir.

– Amalda bajarilayotgan ishlar ko'lamini yanada yaxshilash maqsadida turli tashkilotlar bilan hamkorlikda joylarda yoshlar bilan uchrashuvlar, davra suhbatlari, turli musobaqalar, ma'naviy-ma'rifiy va harbiy-vatanparvarlik tadbirlari o'tkazilmoqda, – deydi tuman o'quv sport-tekniqa klubi boshlig'i Shokirjon Xudayberganov. – Bunday tadbirlar ko'lami ayniqsa O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2023-yilgi Navro'z umumxalq bayramiga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish to'g'risida"gi qarori iirosi doirasida yanada ahamiyatli bo'lmoqda. Yasharish va

OSHLAR UCHUN IMKONIYATLAR

yangilanish faslida xalqimiz tomonidan keng ko'lamda nishonlanadigan Navro'z umumxalq bayramining yosh avlod qalbida va ongida Vatan kelajagiga daxldorlik tuyg'usini kuchaytirishdagi o'rni va ahamiyati tushuntirilmoqda. Shuningdek, Navro'zning ma'naviy hayotimizdagi o'rnnini his etgan holda milliy qadriyat va urf-odatlarimizga uyg'un, har tomonlama munosib tarzda nishonlashga tayyorgarlik ko'rmoqdamiz.

Shu kunlarda mazkurni tashkilotda yoshlarning jismoniy jihatdan yetuk bo'lishlariga ham katta ahamiyat qaratilmoqda. Klub qoshida "Havo miltig'idan o'q otish", "Yozgi biatlon" va "Duatlon" kabi seksiyalar faoliyati yo'lga qo'yilgan. Ushbu to'garaklarga 50 nafarga yaqin iqtidorli yosh jaib qilingan.

Bundan tashqari, malakali haydovchilarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish ham klub faoliyatining muhim yo'nalishlaridan biridir. Ayni paytda bu boradagi ishlarni muvaffaqiyatl bajarilmoqda. Chunonchi, tashkilotda "B", "BC", "BE", "CE" toifalari haydovchilikka nomzodlar o'qitilmoqda. Buning uchun sinfxonalar talab darajasida ijhozlangan.

Keyingi yillarda O'STK jamoasi tomonidan tumandagi "Yoshlar daftari" ro'yxatida turuvchi va kam ta'minlangan oilalar farzandlariga bir qancha imkoniyat va qulayliklar yaratilmoqda. Ularning turli kasb-hunarlarni egallashlarida amaliy ko'mak berilmoqda. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad yoshlarning kelajakda yaxshi mutaxassislar bo'lib yetishishlariga imkon qadar ko'maklashishdir.



**SO'NGGI YILLARDA
QO'SHINLARIMIZ ZIMMASIDAGI
MURAKKAB VAZIFALARINI
ISHONCHLI BAJARISH BILAN BIR
QATORDA, XAVF-XATARGA QARSHI
MUNOSIB ZARBA BERA OLADIGAN
QUDRATLI, TEZKOR VA SAMARALI
KUCHGA AYLANIB BORMOQDA.**

YANGI UYLAR NASHIDASI



Bunga, o'z navbatida, ularga ko'rsatilayotgan ijtimoiy ta'minot, rag'bat va e'tiborning ham o'rni beqiyos. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qaroriga muvofiq, harbiy xizmatchilarga turarjoy sotib olish (qurish) uchun uzoq muddatli imtiyozli ipoteka kreditlari hamda yakka tartibda uy-joy qurish uchun yer uchastkalari

berilayotgani fikrimizning yorqin misolidir.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 25-avgustdagagi 362-sonli qaroriga asosan hamda 4-mart – O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Qorovul qo'shinlari kuni tashkil etilgani munosabati bilan Ichki ishlar vazirligi Qorovul qo'shinlari tasarrufidagi harbiy qism harbiy

xizmatchilariga uzoq muddatli imtiyozli ipoteka krediti asosida qurib bitkazilgan ko'p qavatlari uy-joylar tantanali ravishda topshirildi.

Tadbirda Qorovul qo'shinlari qo'mondonligi, Chirchiq shahri hokimligi va Chirchiq shahri harbiy prokurururası rahbariyati so'nggi yillarda davlatimiz rahbari tomonidan Qurolli Kuchlar tizimidagi harbiy xizmatchilarni ijtimoiy himoya qilish

borasida samarali ishlar olib borilayotganini e'tirof etib, xonadon sohiblarini ushbu quvonchli kun bilan muborakbos etdi.

Tadbir davomida harbiy xizmatchilarga yangi xonadonlarning kalitlari, shuningdek, Qorovul qo'shinlari qo'mondonining qimmatbaho sovg'alari topshirildi.

O'z muxbirimiz

✓ KELAJAGIMIZ EGALARI

"VATAN TAYANCHI" – MUNOSIB IZDOSHLAR

Mudofaa vazirligi huzuridagi "Vatan tayanchi" bolalar va o'smirlar harbiy-vatanparvarlik harakatining Farg'ona viloyatidagi a'zolari soni 17 571 nafarga yetdi. O'quvchi-yoshlarga a'zolik guvohnomasi hamda "Vatan tayanchi" ko'krak nishonlari tantanali tarzda topshirildi.



Qo'qon shahrida joylashgan tarixiy Xudoyorxon o'rzasida Sharqi harbiy okrug qo'shinlari qo'mondonligi, davlat va jamoat tashkilotlari vakillari, ota-onalar, keng jamoatchilik ishtirokida bo'lib o'tgan tantanali marosimda so'zga chiqqanlar minglab yoshlarni jipslashtirgan "Vatan tayanchi" guruhlari oldidagi muhim vazifalar, maqsadning qamrovi va ulug'vorligi, bolalar hamda o'smirlarni Vatanga sadoqat, xalqqa muhabbat, harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash haqida fikr yuritib, samimiy tilaklarini bildirdilar.

Tadbirda "Vatan tayanchi" otryadi faoliyatida faol ishtirot etgan, umumta'lim maktablari namunali xulqi, tashabbuskorligi, namoyish etgan holda a'lo baholarga tamomlagan harakatning har bir guruhidan bir nafar a'zosiga Mudofaa vazirligi tomonidan belgilangan tanlov tartibiga muvofiq, olyi harbiy ta'lif muassasasiga o'qishga kirish uchun imtiyozli tavsiyanoma topshirilishi haqida ham ma'lumot berildi.

Marosim harbiy xizmatchilarning ko'rgazmali chiqishlari bilan davom etdi.

Podpolkovnik Faxriddin NUTFILLAYEV,
Sharqi harbiy okrug matbuot xizmati boshlig'i

✓ E'TIBOR

GO'ZALLIK SIYMOLARI

Ayollarni, qizlarni bahorga qiyoslashadi, bahorni esa ularga. Go'zallik, nafosat, yangilanish, bahor va ayol tushunchalari uyg'unlashib ketadi.

Bahor nafasining kirib kelishi ham 8-mart – Xalqaro xotin-qizlar bayrami bilan hamohang kechadi. Mudofaa vazirligi Markaziy harbiy klinik gospitalida xotin-qizlar bayram munosabati bilan yana bir bor ehtirom etilib, tabriklar og'ushiga olindi.



Keyingi yillarda mamlakatimizda xotin-qizlarning jamiyatimizdagi o'rni va mavqeyini, ularning ijtimoiy-siyosiy hayotimizdagi nufuzini oshirishga davlat siyosati darajasida e'tibor berilyapti. Eng muhimi, nozik qalb sohiblariga ko'rsatilayotgan yuksak e'tibor, ehtirom sabab ularning har jahbada faolligi ko'zga tashlanmoqda.

Sharafli kasb – harbiylikni tanlab, tinchlik va osoyishtalikni ta'minlash yo'lida fidokorona xizmat qilib kelayotgan ayollarimizning fidoyiligi, burchiga sadoqatini ko'rganimizda ko'ngildan cheksiz faxr, iftixor tuyg'ulari kechadi.

Markaziy harbiy klinik gospitalida o'tkazilgan tadbir avvalida mudofaa vazirining harbiy va Qurolli Kuchlar xizmatchi ayollariga yo'llagan bayram tabrigi o'qib eshitirildi. So'ngra so'zga chiqqanlar ayol harbiy xizmatchilarning Xalqaro armiya o'yinlarida, turli musobaqlarda erishayotgan yutuqlarini, qo'lga kiritayotgan natijalarini, ularning kasbiy mahorati va tajribasini alohida e'tirof etdi.

Tadbirning badiiy qismida xalqimizning sevimli san'atkorlari tomonidan ijro etilgan kuy-qo'shiqlar ayollarimiz uchun haqiqiy bayram tuhfasi bo'ldi.

Sh. EGAMBERDIYEV,
«Vatanparvar»

«ВАТАН МАНЗУМАСИ» -

ЯНГИ ШАКЛ, ЯНГИ РАКУРС

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Хафсизлик кенгашининг жорий йил 13 январь куни бўлиб
ўтган йиғилишида ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-
руҳий ва жанговар тайёргарлигини янада ошириш, ёшларда
ватанпарварлик тўйгусини юксалтириш, қўшинларда
маънавий-маърифий, маданий ишларни ривожлантириш
бўйича давлатимиз раҳбари томонидан қатор тавсиялар
берилган эди.



@Vatanparvargazetas_i_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati
bilan bog’lanish uchun telegram bot

SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI



Пойтахтимиздаги Анжуманлар саройи ва «Туркестон» санъат саройида ўтказилган «Ватан манзумаси» номли адабий-маърифий кечака ана шу вазифалар ижросининг ўзига хос кўриниши бўлди. Дастлаб Анжуманлар саройида ўтказилган кечака кенг жамоатчилик томонидан жуда илик кутиб олинди. Шундан сўнг мазкур адабий-маърифий дастур 11 кун давомида «Туркестон» санъат саройида намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигига ташкил мазкур кечада Ватанин улуғловчи куй-қўшиқлар, оташнафас шоирларнинг шеърлари янгради. Мамлакатимиздаги тинч ва осойишта, хавф-хатардан холи ҳаёт, ижтимоий барқарорлик, ҳамжиҳатлик, тўқислик ва фаронвонлик, оқибат, ўзаро меҳр ҳамда мурувват муҳити олий қадрият экани ёрқин ва бетакрор мусикий дастур орқали ўз ифодасини топди.

Юртимиздаги тинчлик ва тотувлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорашибидек асраб-авайлаш наинки ҳарбий соҳа вакиллари, балки барча ҳамюрларимиз, айниқса, ёшларнинг муқаддас бурчи экани ранг-баранг мусикий чиқишлилар воситасида яна бир карра намоён бўлди.

Айтиш керакки, дастурдан ўрин олган ҳар бир шеър, ҳар бир кўшиқ ва ҳар бир чиқиш бир-бирига узвий боғланган. Томошабин дикқати бирлаҳза ҳам бўлинмайди. Бу турли қатлам вакилларидан иборат қузатувчи жамоалар мисолида ҳам яққол намоён бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исајон Султоннинг «Билга ҳоқон» романидаги Билга ҳоқон тилидан айтилган қўйидаги чақириқ залдаги ёшу қарини тўлқинлантириб юборди, томирларида оқаётган шиддатли, курашувчан қонни гупиртириди:

«Менинг бекларим, будуним. Ҳоқоннингдан, бекларингдан, ер-сувингдан айримла!

Туркӣ будун, тўғри бўл – эзгу бўласан. Уйиннга кирасан, қайғусиз бўласан.

Мангу тош ўйдирашиб ёздиридим.

Кўнглимдаги сўзимни ёздиридим.

Кўнглимдаги сўзим шудир:

Эрдан қул бўлмас!

Алдан қул бўлмас!

Биздан қул бўлмас!»

Адабий-маърифий кечада ҳар бир чиқишининг маъно-мазмунини ифодалайдиган, унинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиладиган видеолавҳалар, театрлаштирилган бадиий композициялар ҳам намойиш килинди. Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар хотираси ёд этилди, марҳум шоирларнинг овозларидан – ўзлари ўқиган шеърлардан ҳам унумли фойдаланилди. Она юртнинг улуғ фарзандлари, бетакрор ижодкорлари ёдга олинди.

«Ватан манзумаси» номли адабий-маърифий кечада таҳририятимизнинг икки нафар аъзоси – катта лейтенант Исломjon Қўчқоров ва Қуролли Кучлар хизматчиси Бегали Эшонқулов ҳам ўз ижод намуналари билан иштирок этиб, томошабинлар эътирофига сазовор бўлди.

Ўз мухбиримиз



MUASSIS

O’ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa vazirligi



www.mv-vatanparvar.uz
www.mudofaa.uz



mudofaa vazirligi



mudofaa vazirligi

Gazeta juma kuni chiqadi.
Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqsa boshlagan.

Nashr ko’rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

“O’zbekiston” nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri,
Alisher Navoiy ko’chasi, 30-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:
100164, Toshkent, Universitet ko’chasi, 1-uy.



www.youtube.com/c/UzArmiya